Узбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллиги олдидан

ТЎЙГА ТЎЁНА БИЛАН КЕЛАЙЛИК!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 89 (2637). | Жума, 8 май 1964 йил. | Баҳоси 2 тийин.

«РЕСПУБЛИКА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ МЕҲНАТКАШЛАРИ, СИЗЛАР КОММУНИСТИК ҚУРИЛИШНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ СОҲАСИДА ИШЛАЯПСИЗЛАР. МАНА ШУ ЮБИЛЕЙ ЙИЛИДА СИЗЛАРНИНГ ОЛДИНГИЗДА ЧИНАКАМ УЛУҒВОР ВАЗИФАЛАР ТУРИБДИ. БУ ВАЗИФАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЙУЛЛАРИ ЎРТОҚ Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ НУТҚЛАРИДА, КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ДЕКАБРЬ ВА ФЕВРАЛЬ ПЛЕНУМЛАРИНИНГ ҚАРОРЛАРИДА АНИҚ БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ. У ҲАМ БЎЛСА — СУҒОРИШ ИШЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ХИМИЯЛАШТИРИШ ВА КОМПЛЕКС МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ АСОСИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИНИ ИНТЕНСИВЛАШДАН ИБОРАТДИР».

(Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг республиканинг барча меҳнаткашларига мурожаатидан).





ШОНЛИ ЙИЛ

20 октябрда Ўзбекистон меҳнаткашлари республикамиз ва Ўзбекистон Коммунистик партияси ташкил топган кунининг 40 йиллигини нишонлайдилар. Бу шонли ва зафарли юбилей ўзбек халқининггина эмас, Иттифоқимиздаги барча халқлар, миллатлар, эллар — қон-қардошларимизнинг ҳам катта ва қувончли байрамидир.

Республикамиз тўйи мамлакатимиз ҳаётида, бутун совет халқи ҳаётида улуғвор ва унутилмас кунларда — совет кишилари коммунистик қурилиш вазифаларини муваффақиятли бажариш учун нурашиб, ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларида улкан ғалабаларни қўлга киритаётган тарихий кунларда нишонланмоқда. Ўтган қирқ йил буюк ураш йиллари — инқилоб ва яратувчилик ишлари кенг ривож топган, Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг оталарча ғамхўрлиги натижасида республикамиз қиёфаси тубдан ўзгарган йиллар, ҳаётимизнинг барча соҳаларида социалистик тузум порлоқ ғалаба қозониб, коммунистик ҳаётимиз куртакларни мавж уриб ривожланаётган шонли ва шарафли йиллар бўлди.

Ленинча миллий сиёсат тантана қилганлиги, Коммунистик партиямизнинг буюк раҳнамолиги натижасида Ўзбекистон Совет Иттифоқининг Шарқдаги машъалига, гуллаб-яшнаб, тобора камол топиб бораётган қудратли социалистик республикага айланди. Чор Россиясининг қолоқ мустамлака ўлкаси бўлган Ўзбекистон эндиликда таниб бўлмайдиган даражада гуркираб-яшнаб кетди. Қудратли индустрия, ҳар тарафлама ривожланаётган социалистик қишлоқ хўжалиги, илғор фан ва маданият, обод ва гўзал шаҳар ва қишлоқлар, янги коммунистик кишилар — Ўзбекистон жамолининг очиқ чеҳраси, фахр ва ғурури, дуру-дурдонасидир. Саноатнинг деярлик барча тармоқлари барпо этилди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш тез суръатлар билан ўсиб бормоқда. Улуғ рус халқининг оғаларча ёрдами туфайли гигант электр станциялар, газ саноати, буюк индустриал, машинасозлик, химия, енгил ва оғир саноат, қора ва рангли металлургия саноати бунёд этилди. Эндиликда Ўзбекистон саноатининг маҳсулоти жаҳондаги 58 мамлакатга экспорт қилинмоқда.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида катта революция ясалди. Қадимги омоч ва буйинтуруқлар ўрнида қудратли машиналар, механизмлар, майда ва тарқоқ қашшоқ деҳқон хўжаликлари ўрнида йирик колхоз ва совхозлар бунёдга келтирилди. Ўзбекистон иттифоқимизнинг асосий пахта, пилла, каноп, қоракўл ва бошқа деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етказиб берувчи ўлкасига айланди. Пахта етиштириш йил сайин ошиб бормоқда.

Ўзбек халқи қардош совет халқлари оиласида ўз бахти ва соадатини топди. Республикада гоят катта маданий революция амалга оширилганлиги натижасида фан ва маданият, санъат ва адабиёт барқ уриб яшнамоқда.

1964 йил республикамиз учун айниқса масъулиятли йилдир. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети республиканинг барча меҳнаткашларига Мурожаат қабул қилиб, юбилей йилини янги ғалаба, янги зафарлар билан нишонлаб, севикли социалистик Ватанимизни хурсанд қилиш учун курашга чақирдилар. 1964 йилда олган социалистик мажбуриятларимизни шараф билан бажариш — республикамиз ҳар бир меҳнаткашининг юксак ватанпарварлик бурчидир.

Республика партия ва ҳукуматининг бу чақириғи областимиз меҳнаткашларини янги зафарларга руҳлантириб юборди. Саноат корхоналарида, колхоз ва совхоз далалари ва маданий муассасаларда шонли юбилейни муносиб совғалар билан нутиб олиш учун жанговар ураш бормоқда, социалистик мусобақа кундан-кун авж олмоқда. Деҳқонларимиз об-ҳаво қийинчиликлари ва табиий офатларни мардонавор енгиб, чигит экишни тугалладилар. Эндиги вазифа ҳамма ерда чигитни бир текис ундириб олиш ва ғўза парваришини кучайтириб юборишдан иборатдир. Шунга эришайликки, республикамизнинг юбилей кунида она-Ватанимизга 315 минг тонна Тошкент «оқ олтин»ини армуғон этайлик. Элимиз дастурхонини сабзавотчилар, чорвадорлар етказиб берган нозик-неъматлар билан безайлик, омборларимиз дони-дунга тўлсин. Халқимиз ҳаёти янада фаровон бўлсин. Ҳар бир корхона, колхоз ва совхозда давлат плани ва социалистик мажбуриятларни тўла бажаришга эришайлик. Бутун куч ва қувватимизни, қайноқ қалб ҳароратимизни зиммамизга олинган мажбуриятларимизни ортиғи билан бажаришга сафарбар этайлик!

Ишчилар, деҳқонлар, интеллигентлар, шаҳар ва қишлоқларнинг меҳнаткашлари! Фидоронона меҳнат қилиб республикамизнинг шонли юбилейини муносиб тўёналар билан нутиб олайлик, коммунизм қурилиши ишига ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшайлик!

Н. С. ХРУШЧЕВ Бирлашган Араб Республикасига жўнаб кетди

ЯЛТА, 6 май. (ТАСС). СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев Бирлашган Араб Республикасининг Президенти Жамол Абдил Носирнинг таклифига биноан, 6 майда расмий визит билан «Армения» пароходида Бирлашган Араб Республикасига жўнаб кетди.

Озарбайжон ССР Министрлар Советининг Раиси Э. Н. Алиханов, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, СССР Энергетика ва электрлаштириш давлат ишлаб чиқариш комитетининг раиси П. С. Непорожний, СССР Министрлар Совети Ташқи иқтисодий алоқалар давлат комитетининг раиси С. А. Скачков, СССР мудофаа министрининг биринчи ўринбосари А. А. Гречко, «Правда» газетасининг бош редактори П. А. Сатюков ва «Известия» газетасининг бош редактори А. И. Аджубей Н. С. Хрушчевнинг Бирлашган Араб Республикасига қиладиган сафарида унга ҳамроҳ бўлмоқдалар.

Бирлашган Араб Республикасининг Совет Иттифоқидаги элчиси Муҳаммад Мурод Ғолиб ҳам ана шу пароходда жўнаб кетди.

Ялта портида Н. С. Хрушчевни КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Украина КП Марказий Комитетининг биринчи секретари П. Е. Шелест, Украина ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Д. С. Коротченко, республика Министрлар Советининг Раиси И. П. Казанец, Украина ССР ташқи ишлар министри Л. Ф. Паламарчук, Қрим областининг раҳбар партия ва совет ходимлари, шаҳар меҳнаткашлари ва Қрим шифохоналарида дам олаётган кишилар узатиб қолдилар.

Портга тўпланган кишилар Н. С. Хрушчев билан самимий хайрлашиб, унга оқ йўл тиладилар.

ЮБИЛЕЙ СОВҒАЛАРИ

Тошкентдаги «Шарқ» мебель фирмаси коллективи шу кунларда республикамиз ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллик юбилейи шарафига филиаллар аро социалистик мусобақани кенг авж олдириб юборди.

Фирма мебелчилари квартал планини 104,70 процент адо этиб, давлатга қўшимча равишда 137 минг сўмлик ашё сифатли маҳсулот етказиб бердилар.

П. Фахриддинов бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари, А. Солиҳов, Ҳ. Солиҳова, А. Суеналов, И. Понаетокулос каби ишлаб чиқариш зарбдорлари ўзаро социалистик мусобақада олдинда бориб, коллектив ҳурматини қозонмоқдалар.

Мебелчилар шу йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб янги квартираларда фойдаланиш учун ажойиб, оригинал мебеллар ишлаб чиқаришади. Бундан ташқари ёнига «Шонли Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллик юбилейига» деб ёзиб қўйилган мингта телевизор столи ҳам ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда.

М. ЖАЪФАРОВ.

ҚУРУВЧИЛАР ҒАЙРАТИ

Ўрта Осиёда энг йирик ҳисобланган Тошкент панорама кинотеатри қурилиши жадал суръатлар билан бормоқда. Бинокорлар бу маданият ўчоғини республикамиз ва Узкомпартиянинг 40 йиллик тўйигача фойдаланишга топшириш учун нурашмоқдалар.

Қурувчилар, монтажчилар фидокорлик кўрсатиб меҳнат қилаётир. Ўртоқ Ю. Руснак раҳбарлигидаги бригада бинокорлари ғайрат кўрсатиб ишлаяптилар. Дурадгорлардан Д. Рандабоев, Т. Ҳошимов, В. Виби, арматурачилардан Ҳ. Галиев, Р. Саматов ўртоқларнинг меҳнати айниқса, самарали бўлмоқда.

А. РАИМБОЕВ.

БАРВАҚТ ЯГАНА БИР ПАРВАРИШГА ТЕНГ

Бу йил 103 гектар майдонга квадрат-уялаб, сифатли қилиб чигит экдик. Уруғни далаларнинг ер-тупроқ шароитига қараб 30 гектарига 60х45, 73 гектарнга эса 60х60 схемасида жойлаштирдик. Барча ерларга чигит аниқ уруғ ташлаб кетадиган сеялкалар билан экилди. Агрегатларни моҳир механизатор звено бошлиқлари — Абдураҳмон Султонов ва Зарифжон Мирзаевларнинг ўзлари бошқаришди. Экишни об-ҳаво қийинчиликларга қарамай, қулай муддатларда, 6 иш кунида тамомладик.

Бригадамиз пахтакорларга ҳозирги кунда дастлабки давон ошнади. Ҳамма майдонларда чигит ернинг намига бир текис ундириб олинди. Эгатларни бир текис униб чиққан яшил квадратлар эгаллади. Лекин ҳали олдимизда каттагина вазифалар — изчиллик билан амалга оширилиш лозим бўлган тадбир-режалар турибди.

Баҳор ҳавоси анча серташвиш келди. Қаттиқ ёғингарчиликлар сабабли экиш кетга сурилди. Тупроқ жуда захлаб, зичлашиб кетганидан чигитнинг униб чиқиши ҳам бирмунча кечикди. Ана шуларни ҳисобга олиб биз ғўза парваришига барвақт киришдик. Ҳозир бригадамиз ғўзаларига иккиёқлама ишлов берилмоқда. Эгатлар оралаб культиваторлар сузяпти. Бу вазифани яна ўша механизатор звено бошлиқларимизнинг ўзлари бажаришяпти. Уларнинг ҳар бири юқори унум билан ишлаб кунда нормадаги 7 гектар ўрнига 9—10 гектар ерга ишлов бериляпти.

Ҳозирги эрта ишловнинг катта ютуқ томони бор. Культивация ўтказилган ерларнинг захкаш берч тупроғи юмшаб қатқалоқ йўқолади. Қуёшнинг иссиқ ҳарорати тупроқ бағрига яхши сингиб, ернинг тафти кўтарилади. Тупроқдан зах арриб, ғўза гуркираб авж олади. Биричи ишлов бошқа кейинги ишловларга қараганда қисман мураккаброқ. Шунинг учун ишда сифатга алоҳида эътибор қилияпти. Меҳнат устидан қаттиқ назорат ўрнатганмиз.

5 майдан бошлаб пешма-пеш ғўза яганасига ҳам киришиб кетдик. Яганани узоғи билан бир ҳафта ичида тугалламоқчимиз. Бундан кутган катта мақсадимиз бор. Яганани эрта ўтказиб, ғўзаларнинг эркин ривожланишига имконият яратамиз. Об-ҳаво қийинчиликлари туфайли бой берилган вақтни тўла қоплаймиз. Ғўза тупларида баракали ҳосил тўплаймиз. Ҳар бир уяда учтадан соғлом кўчат қолдириляпти.

Ғўзани яганалашга алоҳида эътибор билан қараётганимизнинг боиси нимада? Вақти-соатида қилинган ягана бир парваришга тенгдир. Ҳозир яганаинг айни пайти, чигит бир текис униб чиққан. Отни шу кунларда жадал қамчилаган пахтакор ҳар жиҳатдан ютади.

Афсус шундай кишилар ҳам борки, улар «ғўзамиз ҳали ёш, ўзини яхшироқ тутиб олсин» деб хотиржам юрадилар. Бундай ўртоқлар нотўғри ўйлашади. Чунки ягана кечикса ғўза қизилпоча бўлиб қолади. Бунинг маъниси шуки, яганаланмаган ғўзалар баравар ўсаверади. Кейинчалик олиб ташланадиган ортиқча ғўзалар ҳосил учун қолдириладиган ғўзалар билан анча вақтгача тупроқдаги қимматли озуқалардан фойдаланади. Тупроқда ҳосил берадиган ғўза фойдаланадиган, зарур бўлган озуқанинг улуши камайиб кетади. Бу вақтда ғўза илдиз отиб тупроққа мустаҳкам ўрнашиб олган бўлади. Ягана вақтида суғуриб ташланадиган ғўза қолдириладиган ғўзаларни ҳам ўзи билан бирга юлқиб чиқади ёки уларнинг илдизини очиб қўяди. Ҳосил олинадиган кўчатларни қаттиқ шикастлайди. Бундай ғўза тез авж олиб кетолмайди, камқувват бўлиб қолади. Шикастланган, ўсишдан қолган ғўзалар ҳосилдан қолади. Улар кеч шоналайди, кеч гулга киради. Ҳосили кеч пишади, кўсаклари салмоқдор бўлмайди.

Ғўза яганалашни эрта ўтказиб ҳосил олинадиган ғўзаларнинг яхши амал олишига эришиш ҳосилдан ютиш демакдир. Пахтакорларимиз ана шу тажрибага амал қилиб ишлашаяпти. Азаматлар яганани сифатли ўтказиш ва гектарларда 90—95 минг туп соғлом кўчат сақлаб қолиш учун фидокорона курашмоқдалар.

Бригадада 15—16 майларгача барча майдонлардаги ғўзаларимизни биринчи озиқлантиришдан чиқарамиз. Ишлов билан бир вақтда ҳар гектарга 300 килограммдан селитра берамиз. Умуман олганда бу йил ғўза қатор ораларига тўрт марта узунасига ва уч марта кўндалангига ишлов берамиз. Икки марта озиқлантириб, талабига қараб тўрт марта қондириб суғорамиз. Ўғитлардан тежаб-тергаб фойдаланамиз. Иккинчи озиқлантиришни 10—15 июндан кечикмай тамомлаймиз.

Бу йил республикамиз ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллик тўйи нишонланади. Ана шу тўйга муносиб тайёргарлик кўриш юзасидан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг республикамизнинг барча меҳнаткашларига мурожаати эълон қилинди. Пахтакорларимиз мурожаатни ўқиб чиқиб янги меҳнат зафарларига отланишди. Тўйга тўёна сифатида йиллик пахта тайёрлаш планимизни ана шу шонли юбилей кунига албатта бажарамиз.

Шоди РАҲМАТОВ,
Ўрта Чирчиқ бошқармасидаги Охунбобоев номли колхознинг 1-бригада бошлиғи.

Эгатларни маржондек безаган яшил квадратлар кўзни қувонтиради. Бу — Ўрта Чирчиқ бошқармасидаги Охунбобоев номли колхознинг ўртоқ Шоди Раҳматов бошлиқ 1-бригадаси даласи. Биричи довон ошган бригада пахтакорлари ғўза парваришини қизғин олиб боришаяпти. Ғўзалар пешма-пеш ягана қилинмоқда. Суратларда (чапда): бригадир ўртоқ Шоди Раҳматов. Ўнгда: 2-звено бошлиғи механизатор Зарифжон Мирзаев бригада ғўзаларини культивация қилмоқда.

А. Абалян фотоси.

АҲМАД БИН БЕЛЛА МОСКВАДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

7 майда Москва қаҳрамон Жазоир халқининг шонли фарзанди, Жазоир Халқ Демократик Республикасининг Президенти, Жазоир Миллий озодлик фронти партиясининг бош секретари ўртоқ Аҳмад Бин Беллани самимият билан қардош Болгарияга қизғин узатиб қўйди.

Внуково аэродромида ҳурматли меҳмонни Л. И. Брежнев, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, А. И. Микоян, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, Н. М. Шверник, В. В. Гришин, Л. Н. Ефремов, Б. Н. Пономарев ўртоқлар, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, СССР министрлари ва давлат комитетларининг раислари ҳамда бошқа кишилар узатиб қўйишди.

Л. И. Брежнев Жазоир Халқ Демократик Республикасининг Президентига қарата сўзлаган нутқида унга оқ йўл тилади. Аҳмад Бин Белла самимий жавоб нутқи сўзлади. (ТАСС).

ТИНЧЛИК, ОЗОДЛИК ВА СОЦИАЛИЗМ УЛУҒ ИШИНИНГ ТАНТАНАСИ УЧУН!

СОВЕТ - ЖАЗОИР ДЎСТЛИГИ МИТИНГИ

Жазоир Халқ Демократик Республикасининг Президенти, Жазоир Миллий озодлик фронти партиясининг Бош секретари Аҳмад Бин Белланинг СССРга қилган дўстона сафари Совет-Жазоир муносабатлари тарихида янги саҳифа очди. Социалистик асосларда янги ҳаёт қураётган қаҳрамон Жазоир халқининг вакиллари қаерга борма-синлар, совет кишилари ҳамма жойда уларни гоят самимият, хурсандчилик билан кутиб олдилар. Совет кишилари Жазоир халқининг шонли фарзанди ўртоқ Бин Беллани чин юракдан қизғин табрикладилар. Ўртоқ Бин Беллага Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган фахрий унвон берилди.

6 майда Кремлдаги Съездлар саройида Совет-Жазоир дўстлиги митинги бўлиб ўтди. Бу митингда москваликлар ўртоқ Бин Беллага бўлган ҳурматлари ва меҳр-муҳаббатларини яна бир марта намойиш қилдилар.

Саройнинг олти мингдан кўпроқ одам сигадиган муҳташам залининг ҳаммаси тўлган эди. Бу ерда саноат корхоналари, қурилишлар, муассасаларнинг вакиллари, маданият арбоблари, студентлар, Совет Армиясининг жангчилари ўтиришибди. Дипломатик корпус аъзолари, совет ва чет эл журналистлари ҳам ҳозир бўлишган.

Саҳнанинг икки ёнидаги Жазоир ва Совет давлат байроқлари қардошларча бузилмас дўстликнинг символига ўхшайди.

Аҳмад Бин Белла, Л. И. Брежнев, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, А. И. Микоян, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, Н. М. Шверник, В. В. Гришин, Л. Н. Ефремов, Ю. В. Андропов, П. Н. Демичев, Л. Ф. Ильичев, В. И. Поляков, Б. Н. Пономарев, А. П. Рудаков, В. Н. Титов, А. Н. Шелепин ўртоқлар президиумга чиқиб келишганида, залда гулдурос қарсаклар янграб кетади. Президентнинг жанговар сафдошлари —Жазоир Миллий озодлик фронти партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари: ташқи ишлар министри Абдил Азиз Бутефлика, миллий экономика министри Башир Бумаза, социал ишлар министри Муҳаммад Сағир Наққош, Жазоир армияси Бош штабининг бошлиғи полковник Тақар Забрий ва Миллат мажлисининг Жазоир шаҳридан сайланган депутати Ҳусин Зеҳвон, Миллий озодлик фронти партияси Марказий Комитетининг аъзоси, давлат министри Умар Узган, шунингдек Жазоир Халқ Демократик Республикасининг Совет Иттифоқидаги элчиси Муҳаммад бин Яҳё ҳам президиумга чиқиб келишади.

Митингни меҳнаткашлар депутатлари Москва шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси В. Ф. Промислов очди.

Зал гумбазлари остида Жазоир Халқ Демократик Республикаси билан Совет Иттифоқи давлатгимларининг садоси улуғвор янграйди.

Коммунистик меҳнат зарбдори, Серго Оржоникидзе номли станоксозлик заводининг слесари С. Н. Ефимушкин, «Гидропроект» институтининг архитектори В. Мусатов ва пойтахтнинг Красная Пресня районидаги 95-ўрта мактаб ўқитувчиси Г. С. Краснова жазоирлик меҳмонларни қизғин табриклашди.

КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг Секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев минбарга чиққанида, залда анча вақтгача гулдурос қарсаклар қўлиб турилади.

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Ўртоқ Л. И. Брежнев Аҳмад Бин Беллага ва жазоирлик бошқа дўстларга, митингнинг бошқа барча иштирокчиларига мурожаат қилиб бундай деди: Бугун бизда катта, шонли кун. Пойтахтимиз меҳнаткашларининг вакиллари жазоирлик дўстлар билан, мустамлакачиликка қарши қаҳрамонона курашчилар, янги Жазоир қурувчилар билан учрашмоқдалар.

Биз бу ерда дўстимиз, Африка ва араб дунёсининг атоқли давлат арбоби, мустамлакачиликка қарши, Жазоир халқининг порлоқ истиқболи учун матонатли курашчи, Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти ва Жазоир Миллий озодлик фронти партиясининг бош секретари ўртоқ Аҳмад Бин Белла билан учрашиб, айниқса ҳурсанд бўлмоқдамиз, деб таъкидлайди ўртоқ Брежнев.

Л. И. Брежнев Президент Аҳмад Бин Беллани Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати номидан, митинг қатнашчилари ва бутун совет халқи номидан қизғин табриклайди. У, шунингдек шу залда ҳозир бўлган Жазоирнинг таниқли давлат арбобларини — Президент ҳамроҳларини самимий қутлайди.

Сиз, ўртоқ Бин Белла, ва сизнинг дўстларингиз ҳамда сафдошларингиз бизнинг мамлакатимизга келиб, КПСС Марказий Комитетининг раҳбар арбоблари билан ва Совет ҳукуматининг аъзолари билан учрашганингиздан, совет кишиларининг ҳаёти ва меҳнати билан бир даража таниша олганлигингиздан ҳаммамиз астойдил ва чин кўнгилдан хурсанд бўлмоқдамиз, деди нотиқ.

(Давоми иккинчи бетда).

ТИНЧЛИК, ОЗОДЛИК ВА СОЦИАЛИЗМ УЛУҒ ИШИНИНГ ТАНТАНАСИ УЧУН!

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

(Боши биринчи бетда).

Ўртоқ Л. И. Брежнев жазоирлик меҳмонлар бўлган ҳамма жойда совет кишилари уларни қизғин ва самимий табриклаганликларини, озодликни курашиб қўлга киритган Жазоир халқининг мислсиз жасоратига ўзларининг қойил қолганликларини билдириб, ҳали озодликка эришмаган ва унинг учун жанг қилиши керак бўлган ҳамма кишилар учун чақириқ сигнали сифатида Африка узра ўз революцион байроғини маҳрур кўтарган халқни табрикламоқда. Совет кишилари Африка қитъасидаги прогрессив кучларнинг биринчи сафларида бораётган, социалистик тараққиёт йўлини қатъият билан танлаб олган ва бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш учун сабот билан курашаётган давлат сифатида ёш Жазоир Халқ Демократик Республикасини табриклайдилар.

Ўртоқ Брежнев шу митингда иштирок қилаётган москваликлар номидан Ўртоқ Бин Беллани унга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилганлиги ва «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Ленин мукофоти берилганлиги билан яна бир марта қизғин табриклади. Бу мукофотлар совет халқи ва бутун дунёдаги прогрессив жамоатчилик Бин Белланинг ижтимоий-сиёсий ва давлат арбоби сифатидаги фаолиятига, Жазоир халқининг озодлиги тинчлиги ва баҳт-саодати учун олиб борган қаҳрамонона курашига юксак баҳо берганлигини ифодалайди. Л. И. Брежнев залдагиларнинг гулдурос қарсаклари остида Президент Бин Беллага мана шу олижаноб ишида янгидан-янги катта муваффақиятлар тилайди.

Шундан кейин Л. И. Брежнев айтадики, бизнинг давримиз инсониятнинг асоратдан озодликка, капитализмдан социализмга ва коммунизмга тарихий ўтиш давридир. Империализмга ва унинг мустамлакачилик системасига қарши, тинчлик, мустақиллик ва озодлик учун кураш турли ирқ ва миллатдаги халқлар ўртасида, жаҳоннинг турли районлари ва қитъаларидаги давлатлар ўртасида мустаҳкам дўстлик кўппракларини вужудга келтирмоқда. Даримизнинг белгиси бўлган мана шу улуғ озодлик кураши Жазоир ва Совет Иттифоқи халқларини ҳам мустаҳкам дўст қилиб қўйди.

Совет давлати, совет халқи Жазоир революциясини доимо қўллаб-қувватлаб келди. Жазоир халқининг мустамлакачилар зулмидан озод бўлиш учун олиб бораётган уруши авж олиб турган бир пайтда Совет ҳукуматининг бошлиғи Никита Сергеевич Хрушчев бу урушга муносабатимизни ҳаммага эшиттириб, бундай деган эди: **«...Бу—халқнинг ўз мустақиллиги учун олиб бораётган озодлик урушидир. Бу — муқаддас урушдир. Биз бундай урушларни тан оламиз, ўз озодлиги учун курашаётган халқларга ёрдам бермоқдамиз ва бундан буён ҳам ёрдам берамиз».**

Совет Иттифоқи Жазоирнинг курашаётган халқига маънавий ва моддий мадад кўрсатар экан, бу нарсани ўз интернационал бурчини бажариш, деб билди. Улуғ Ленин бизларга шундай деб таълим берган эди, биз Ленин васиятларига содиқ эдик ва содиқ бўлиб қоламиз.

Ўртоқ Л. И. Брежнев Африка қитъасида юз берган катта сиёсий ўзгаришлар тўғрисида, у ерда мустақил ва суверен ёш давлатлар вужудга келганлиги ҳақида гапиради. Жазоир халқининг француз мустамлакачилар устидан ғалабаси Африка халқлари ва араб дунёсининг империалистлар мустамлакачилик ҳукмронлигидан озод бўлиш йўлидаги курашида янги тарихий даврдир. Аммо бу кураш ҳали тамомланган йўқ. Ангола ва Мозамбикда ҳали ҳам африкаликлар қони тўкилмоқда. Жанубий Африка Республикасида ва Жанубий Родезияда ҳали ҳам ирқчи йиртқичлар бебошлик қилмоқдалар. Африка, Осиё, Латин Америкасидаги ўнларча мустамлака, протекторат ва қарам территорияларнинг халқлари ҳали ҳам асоратда жафо чекмоқдалар.

Ўртоқ Л. И. Брежнев эслатиб ўтадики, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Совет ҳукуматининг ташаббуси билан бундан уч ярим йил илгари муҳим ҳужжат — мустамлака мамлакатлар ва халқларга мустақиллик бериш тўғрисидаги декларацияни қабул қилди. Эндиликдаги ваанфа БМТнинг талабини дарҳол, сўзсиз ва тўла бажаришга мустамлакачиларни мажбур қилишдан иборат.

Жазоир Халқ Демократик Республикаси ва шахсан Президент Аҳмад Бин Белланинг мустамлакачиликка қарши, мазлум халқлар озодлиги учун курашда ўйнаётган жуда катта ролларига совет кишилари зўр ҳурмат билан қарамоқдалар. Бу олийжаноб курашда биз сизлар билан — содиқ иттифоқчиларимиз ва дўстларимиз билан биргамиз.

Шундан кейин нотиқ ўз озодлиги учун курашаётган халқларнинг якка-якка ҳолда мустамлакачилар коалициясини енгиши қийин эканлигини уқтириб ўтади. Шунинг учун ҳам барча антиимпериалистик ва мустамлакачиликка қарши кучларнинг жипслашуви, бирлиги ғоят муҳимдир. Ўртоқ Бин Белла миллий озодлик фронтининг яқинда бўлиб ўтган съездида таъкидлаб ўтдики, Осиё, Африка ва Латин Америкаси халқлари ўз курашларида Европанинг социалистик мамлакатларида иттифоқчиларга эга бўлдилар ва бу — бизлар учун ҳам, бошқалар учун ҳам қимматли иттифоқдир, чунки империализм бизнинг умумий душманимиздир. Биз ўртоқ Бин Белланинг бу сўзларига батамом қўшиламиз.

Афсуски, ҳозир баъзи бировлар ана шу иттифоқни бузишга, миллий озодлик ҳаракатини қандайдир сунъий тарзда вужудга келтирилган девор билан жаҳон социалистик ҳамдўстлигидан, капиталистик мамлакатлардаги ишчилар синфи ва демократик ҳаракатдан ажратиб қўйишга урунмоқдалар. **Бундай уринишлар фақат империалистларга қўл келади, албатта.** Лекин жаноб империалистлар вақтидан илгари қувонмай қўяқолсинлар. Бизнинг улуғ иттифоқимизни ҳеч ким буза олмайди.

Ўртоқ Брежнев сўзини давом эттириб бундай деди: Жазоирнинг социализм йўлини танлаб олганлиги, Жазоир революциясининг тажрибаси, Жазоир халқининг ўзи учунгина эмас, балки мустақил тараққиёт йўлига чиқаётган бошқа кўпгина мамлакатларнинг халқлари учун ҳам жуда катта прогрессив аҳамиятга эга. Биз аминмизки, Жазоирнинг ўз халқи танлаб олган йўлдаги, тинчлик, демократия ва социал тараққиёт йўлидаги ҳаракатини ҳеч ким тўхтата олмайди.

Жазоир мустақил давлат бўлиб яшаётганидан бери ўтган бир ярим йилда ўз ички ҳаётида катта муваффақиятларга эришибгина қолмасдан, балки халқаро майдонда ҳам муносиб ўрин эгаллаганлиги совет кишиларини қувонтирмоқда. Жазоир Халқ Демократик Республикасининг овози, осойишта, ҳаққоний ва мардонавор овоз тинчликсевар давлатларнинг энг агрессив империалистик доираларини оғоҳлантириб айтган гапларга, низолари халқаро проблемаларни музокаралар йўли билан ҳал этиш даъватларига, планетамизни мустамлакачилик қуллиги занжирларининг охирги парчаларидан тозалаш ҳақидаги талабларга янада кўпроқ куч бағишлайди.

Шундан кейин Ўртоқ Брежнев кейинги вақтларда рўй берган халқаро воқеалар ҳақида гапиради. Бу воқеалар ижтимоий тузумлари ҳар хил бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципи амалга оширилаётганлиги, тобора сезиларли самаралар бераётганлигини кўрсатади. Бу самаралар — ядро қуроли синовларини қисман тақиқлаш тўғрисидаги Москва Шартномаси, бортида ядро қуроли бўлган объектларни космоса олиб чиқмаслик тўғрисидаги қарорга келинишидан, СССР, АҚШ ва Англия ҳукуматларининг ҳарбий мақсадлар учун парчаланувчи материаллар ишлаб чиқаришни камайтириш йўлида белгилаган тадбирларидан иборатдир.

Совуқ уруш музи чинакам эриб кетди деб ҳозирча айтиб бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда бу муз дарз кетганлигини, ёрила бошлаганлигини тан олиш керак. Халқаро кескинликни юмшатиш ишида кейинги вақтларда эришилган муайян прогресс ўз-ўзидан ёки бирон афсун гаплар таъсири остида қўлга киритилгани йўқ. Бу — халқаро муносабатларда ўзига қатъият ва муваффақият билан йўл очиб олаётган тинч-тотув яшаш сиёсатини тобора активроқ ўтказиш натижасидир.

Жазоир Халқ Демократик Республикаси позитив бетарафлик ва қўшилмаслик сиёсатини ўтказмоқда, социал тузуми турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципларига қатъий содиқ бўлиб қолмоқда ҳамда бу принципларни зўр маҳорат ва усталик билан амалга оширмоқда.

Ижтимоий тузуми турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаш ленинча сиёсати совет давлати ташқи сиёсатининг бош йўлидир, деди Л. И. Брежнев. Биз бу сиёсатни қаттиқ туриб ҳимоя қилиб, капиталистик Ғарбдаги давлат арбобларига қатъият билан бундай дейміз: Тинч-тотув яшаш сиёсати ҳамма мамлакатлар, катта ва кичик мамлакатлар билан бўлган муносабатларга баббаравар жорий қилиниши керак, халқаро кескинликни юмшатиш самараларидан ҳамма халқлар фойдаланишлари керак.

Ўртоқ Брежнев сўзини давом эттириб айтдики, Жазоир ўз мустақиллиги учун оғир кураш олиб бораётган йилларда вужудга келган халқларимиз ўртасидаги дўстлик эндиликда янги, янада чуқур мазмунга эга бўлди. Биз бу дўстликни эндиликда чинакам қардошлик, маънавий, жиҳатдан мустаҳкам биродарлик деб аташимиз мумкин. Совет Иттифоқи билан мустақил суверен Жазоир ўртасидаги муносабатлар янги фазилатлар билан бойиди; ўртоқларча ҳамкорлик кенгаймоқда. Бундай ҳамкорлик умумий идеалларга эга бўлган мамлакатлар ўртасидагина вужудга келиши мумкин. Биз шу нарсадан мамнунмизки, мамлакатларимиз ўртасида давлат ва жамоат йўли билан тобора мустаҳкам ва қизғин алоқалар вужудга келмоқда, ўзаро ишонч, ўртоқларча ҳамжиҳатликдан иборат мустаҳкам муносабатлар. Совет Иттифоқи ва Жазоир раҳбар арбоблари ўртасида яхши шахсий алоқалар ўрнатилмоқда.

Совет кишилари Жазоир халқига кўп йиллар давом этган уруш ва вайронгарчиликдан кейин ўз мамлакатида тинч ҳаётни йўлга қўйишда бажонидил ёрдам кўрсатадилар. Ҳурматли дўстимиз Президент Бин Белла ўз нутқларида совет мутахассисларининг Жазоир территориясидаги кўпгина участкаларни миналардан тозалаш соҳасида қилган катта ва фидокорона иши ҳақида мақтаб гапирди. Бу ишга Жазоир халқи ва унинг раҳбарлари юксак баҳо берганлиги бизни ҳурсанд қилди. Мустамлакачилар Жазоирда минали майдонлар вужудга келтирган бўлсалар, жазоирликлар, совет кишилари билан биргаликда ана шу миналарни олиб ташлаб, Жазоир халқининг ўз ерида тинч яшаши ва меҳнат қилишини таъминлаб бермоқдалар. Бу — қандайдир символик аломат ҳам бўлса керак.

Совет Иттифоқи ва Жазоир Халқ Демократик Республикаси раҳбарлари ўртасида шу кунларда бўлиб ўтган музокаларда Совет-Жазоир ҳамкорлигини янада ривожлантиришга ва мустаҳкамлашга қаратилган янги тадбирлар муҳокама қилинди. Музокаралар натижасида қўшма ахборот имзоланди: Бу ахборотни Совет-Жазоир ҳамкорлигининг мустаҳкамланишини ва умуман ер юзидаги халқлар ўртасида дўстона муносабатларнинг ривожланишини қадрлайдиган ҳамма кишилар, шубҳасиз, мамнуният билан кутиб оладилар.

Совет инженерлари ва техниклари Жазоирлик мутахассислар билан қўлни-қўлга бериб, Жазоирда замонавий металлургия заводи қурадилар, Жазоир қишлоқ хўжалигини механизациялашда, ирригация иншоотлари барпо этишда қатнашадилар. Совет геологлари ўз жазоирлик ҳамкасбларига Жазоир ер ости бойликлари хазинасини очишда кўмаклашадилар. Савдо-сотиқ соҳасида ҳам ҳозирок дурust иш бошланиб кетди. Ўтган йил ноябрь ойида имзоланган савдо битими ўзаро етказиб бериладиган товарлар ҳажмини ва хилини анча кенгайтирди. Совет Иттифоқи шунингдек Жазоир миллий кадрларини тайёрлашда ҳам ёрдам кўрсатишни давом эттиради.

Ўртоқ Бин Белла, дейди Л. И. Брежнев, яқинда Жазоир Миллий озодлик фронти съездида сўзга чиқиб бундай деди: «революция халқ томонидан амалга оширилибгина қолмасдан, балки халқ манфаатлари йўлида амалга оширилиши керак». Биз бу фикрга батамом ва тўла қўшиламиз. Бизнинг партиямиз мамлакат экономикасини янада юксак кўтариш учун, халқнинг янада яхшироқ ҳаёт кечиришини таъминлаш учун ҳамма чораларни кўрмоқда. Бу — унинг энг асосий, муқаддас вазифасидир. Ўлмас доҳимиз Владимир Ильич Ленининг ғалаба қозонган социализм мамлакатлари жаҳон революцияси тараққиётига ўзларининг асосий таъсирларини ўз хўжалик сиёсатлари билан, социалистик қурилишдаги муваффақиятлари билан ўтказадилар, деган кўрсатмаси нақадар тўғри эканлигини шу кунларда биз айниқса равшан кўриб турибмиз.

Ишончингиз комил бўлиши мумкинки, дўстлар, бизнинг мамлакатимиз марксизм-ленинизм позицияларида мустаҳкам тураётган бошқа социалистик давлатлар сингари озодлик, мустақиллик, тинчлик ва тараққиёт учун курашаётган барчэ халқларнинг сабот-матонатли ҳамда вафодор дўсти бўлиб қолади.

Ўртоқ Л. И. Брежнев залдаги бир неча минг кишининг гулдурос қарсаклари остида шундай деб хитоб қилади:

Ҳамма жойда тинчлик, озодлик ва социализм улуғ иши тантана қилсин!

Туб социал ўзгаришларни дадиллик билан амалга ошираётган, социализм сари олға бораётган Жазоир Халқ Демократик Республикасининг муваффақиятлари мустаҳкамлансин ва кўпая берсин.

Яшасин қаҳрамон Жазоир халқи ва унинг Жазоир халқининг содиқ фарзанди Президент Аҳмад Бин Белла бошчилигидаги ҳукумати!

Яшасин совет ва жазоир халқларининг абадий ҳамда бузилмас дўстлиги!

Яшасин бутун дунёда тинчлик!

* * *

Жазоир Миллий озодлик фронти партиясининг Бош секретари, Жазоир Халқ Демократик Республикасининг Президенти ўртоқ Аҳмад Бин Беллага сўз берилади. Митинг қатнашчилари қаҳрамон Жазоир халқининг содиқ фарзандини, мустамлакачилик ва империализмга қарши атоқли курашчини, Совет Иттифоқининг қадрдон дўстини чин юракдан қизғин табриклайдилар. «Ура!» садолари янграйди.

Ўртоқ Аҳмад БИН БЕЛЛА нутқи

Ўртоқ Аҳмад Бин Белла митинг қатнашчиларига мурожаат қилиб айтдики, сизларнинг шу залда ҳозир бўлганлигингиз Жазоир-Совет дўстлигини мустаҳкамлашдан манфаатдор эканлигинизни кўрсатувчи бир далилдир. У Жазоир халқининг ўз ерида тинч яшаши ва меҳнат қилишини таъминлаб бермоқдалар. Бу — қандайдир символик аломат ҳам бўлса керак.

Совет Иттифоқи ва Жазоир Халқ Демократик Республикаси раҳбарлари ўртасида шу кунларда бўлиб ўтган музокаларда Совет-Жазоир ҳамкорлигини янада ривожлантиришга ва мустаҳкамлашга қаратилган янги тадбирлар муҳокама қилинди. Музокаралар натижасида қўшма ахборот имзоланди: Бу ахборотни Совет-Жазоир ҳамкорлигининг мустаҳкамланишини ва умуман ер юзидаги халқлар ўртасида дўстона муносабатларнинг ривожланишини қадрлайдиган ҳамма кишилар, шубҳасиз, мамнуният билан кутиб оладилар.

Совет инженерлари ва техниклари Жазоирлик мутахассислар билан қўлни-қўлга бериб, Жазоирда замонавий металлургия заводи қурадилар, Жазоир қишлоқ хўжалигини механизациялашда, ирригация иншоотлари барпо этишда қатнашадилар. Совет геологлари ўз жазоирлик ҳамкасбларига Жазоир ер ости бойликлари хазинасини очишда кўмаклашадилар. Савдо-сотиқ соҳасида ҳам ҳозирок дурust иш бошланиб кетди. Ўтган йил ноябрь ойида имзоланган савдо битими ўзаро етказиб бериладиган товарлар ҳажмини ва хилини анча кенгайтирди. Совет Иттифоқи шунингдек Жазоир миллий кадрларини тайёрлашда ҳам ёрдам кўрсатишни давом эттиради.

Ўртоқ Бин Белла, дейди Л. И. Брежнев, яқинда Жазоир Миллий озодлик фронти съездида сўзга чиқиб бундай деди: «революция халқ томонидан амалга оширилибгина қолмасдан, балки халқ манфаатлари йўлида амалга оширилиши керак». Биз бу фикрга батамом ва тўла қўшиламиз. Бизнинг партиямиз мамлакат экономикасини янада юксак кўтариш учун, халқнинг янада яхшироқ ҳаёт кечиришини таъминлаш учун ҳамма чораларни кўрмоқда. Бу — унинг энг асосий, муқаддас вазифасидир. Ўлмас доҳимиз Владимир Ильич Ленининг ғалаба қозонган социализм мамлакатлари жаҳон революцияси тараққиётига ўзларининг асосий таъсирларини ўз хўжалик сиёсатлари билан, социалистик қурилишдаги муваффақиятлари билан ўтказадилар, деган кўрсатмаси нақадар тўғри эканлигини шу кунларда биз айниқса равшан кўриб турибмиз.

Ишончингиз комил бўлиши мумкинки, дўстлар, бизнинг мамлакатимиз марксизм-ленинизм позицияларида мустаҳкам тураётган бошқа социалистик давлатлар сингари озодлик, мустақиллик, тинчлик ва тараққиёт учун курашаётган барчэ халқларнинг сабот-матонатли ҳамда вафодор дўсти бўлиб қолади.

Ўртоқ Л. И. Брежнев залдаги бир неча минг кишининг гулдурос қарсаклари остида шундай деб хитоб қилади:

Ҳамма жойда тинчлик, озодлик ва социализм улуғ иши тантана қилсин!

Туб социал ўзгаришларни дадиллик билан амалга ошираётган, социализм сари олға бораётган Жазоир Халқ Демократик Республикасининг муваффақиятлари мустаҳкамлансин ва кўпая берсин.

Яшасин қаҳрамон Жазоир халқи ва унинг Жазоир халқининг содиқ фарзанди Президент Аҳмад Бин Белла бошчилигидаги ҳукумати!

Яшасин совет ва жазоир халқларининг абадий ҳамда бузилмас дўстлиги!

Яшасин бутун дунёда тинчлик!

* * *

Жазоир Миллий озодлик фронти партиясининг Бош секретари, Жазоир Халқ Демократик Республикасининг Президенти ўртоқ Аҳмад Бин Беллага сўз берилади. Митинг қатнашчилари қаҳрамон Жазоир халқининг содиқ фарзандини, мустамлакачилик ва империализмга қарши атоқли курашчини, Совет Иттифоқининг қадрдон дўстини чин юракдан қизғин табриклайдилар. «Ура!» садолари янграйди.

Раислик қилувчи В. Ф. Промислов совет халқи, Коммунистик партия ва Совет ҳукумати шаънига айтган самимий сўзлари учун ўртоқ Аҳмад Бин Беллага чин юракдан миннатдорчилик билдиради ҳамда эркин ва бахтли ҳаёт қуришда Жазоир халқига яна бир карра янгидан катта-катта ютуқлар тилайди.

* * *

Совет-Жазоир дўстлигига ва Жазоир Халқ Демократик Республикасининг президенти Аҳмад Бин Белланинг СССРда бўлишига бағишланган митинг пролетар интернационализми принципларига тантанасининг, совет ва Жазоир халқлари тинчлик ва тараққиёт байроғи остида янги ҳаёт қуриш йўлидан, социализм ва коммунизм йўлидан ягона сафда қадам ташлаб боришга қизғин интилаётганлигининг тўлқинлантирувчи, ёрқин намойишига айланиб кетди.

(ТАСС).

ҚАРДОШЛИК ВА БИРДАМЛИК

СОВЕТ-ЖАЗОИР ҚЎШМА АХБОРОТИ

Жазоир Халқ Демократик Республикасининг президенти Аҳмад Бин Белланинг давлат визити, СССР ва Жазоир Халқ Демократик Республикасининг раҳбар арбоблари ўртасида бўлиб ўтган фикрлашувлар қардош совет ва Жазоир халқлари ўртасидаги дўстона ҳамкорликни ва қардошлик муносабатларини янада ривожлантиришга, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш ишига қўшилган муҳим ҳисса бўлди, дейилади Совет-Жазоир қўшма ахборотида.

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев ва Жазоир Халқ Демократик Республикасининг президенти, Миллий озодлик фронти партиясининг бош секретари Бин Белла қўл қўйган бу қўшма ахборотда айтиладики, Президент Аҳмад Бин Белла СССР Олий Совети Президиумининг ва Совет ҳукуматининг таклифига биноан СССРга келди. У ўртоқ Н. С. Хрушчев билан учрашиб суҳбатлар ўтказди.

Очиқ кўнгил, самимий вазиятда ўтган учрашувлар ва суҳбатлар вақтида СССР билан Жазоир Халқ Демократик Республикаси ўртасидаги дўстона муносабатларни ва ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масалалари устида, шунингдек ҳар иккала томонни қизиқтираётган актуал халқаро проблемалар устида фикрлашиб олинди. Москвада бўлиб ўтган суҳбатлар ва учрашувларда КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолари, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосарлари А. Н. Косигин ва А. И. Микоян, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Н. В. Подгорний, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, Совет Иттифоқининг Жазоир Халқ Демократик Республикасидаги элчиси Н. М. Пегов ҳам қатнашдилар.

Ахборотда айтиладики, жазоирлик меҳмон Ленинградга, Ўзбекистонга, Украинага ҳам бориб келди, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. Е. Шелест ва шу иттифоқдош республикаларнинг бошқа раҳбарлари билан ҳам учрашди.

Дилкашлик билан узоқ давом қилган суҳбатларда Н. С. Хрушчев ва Аҳмад Бин Белла СССР ва Жазоир Халқ Демократик Республикасининг иқтисодий ва социал ривожланиши қандай бораётганлиги тўғрисида бир-бирларига ахборот бердилар ҳамда келажакка мўлжалланган ўз планларини бир-бирларига айтдилар.

Томоилар СССР билан Жазоир Халқ Демократик Республикаси ўртасидаги иқтисодий ва техникавий ҳамкорликнинг ҳамма масалалари устида фикрлашиб олдилар. Суҳбатлар вақтида Жазоир томони Совет Иттифоқининг Жазоирга кўрсатаётган қардошларча ёрдами Жазоирнинг социалистик экономикасини ривожлантириш ва унинг мустақиллигини мустаҳкамлаш учун аҳамиятли эканлигини қайд қилди.

Томонлар зўр мамнунят билан шуни қайд қилдиларки, иқтисодий ва техникавий соҳаларда ҳар иккала мамлакат ўртасидаги дўстона ҳамкорлик тобора кенгайиб бормоқда ва ҳар томонлама ҳамкорлик бўлиб қолмоқда. СССР билан Жазоир Халқ Демократик Республикаси ўртасида савдо-сотиқ янада ривожланганлиги мамнунят билан қайд қилинди.

Сўнгра ахборотда айтиладики, Совет ҳукумати Президентнинг ва Жазоир ҳукуматининг истакларини маъқуллаб агломерат, руда, кокс, чўян, пўлат ва прокатни, шунингдек химиявий маҳсулотларни, шу жумладан кокс ишлаб чиқариш негизида аммоний сульфатини тўла равишда ишлаб чиқаришни таминлайдиган ва йилига 300—350 минг тонна прокат берадиган металлургия заводи қуриш учун техника ёрдами кўрсатишга ва узоқ муддатли кредит ажратишга розилик берди.

Қардош Жазоирга миллий кадрлар тайёрлашда ёрдам кўрсатилади.

Ҳозирги халқаро аҳвол устида бўлиб ўтган фикрлашув вақтида, дейилади ахборотда, ҳар иккала томон бир қанча масалаларга бўлган ўз қарашларининг муштараклигини қайд қилдилар. Томонлар жаҳон уруши хавфига қарши, мустамлакачиликка ва империализмга қарши, ҳамма халқларнинг тинч ҳаёт кечириши, социал тараққиёти, озодлиги ва миллий мустақиллиги учун курашни давом эттиришга ўзларининг маҳкам бел боғлаганликларини айтдилар.

Ахборотда айтиладики, халқаро кескинликни юмшатиш ишида кейинги вақтларда бир мунча олдинга силжишга муваффақ бўлинди. Территориал низоларни ва чегара масалаларини ҳал қилиш чоғида давлатларнинг куч қўлланишдан воз кечишлари тўғрисида халқаро битим тузилсин, деб Совет ҳукумати томонидан қилинган таклифни ҳар иккала томон қолисона амалга оширишни талаб қиладилар. Атомсиз зоналар вужудга келтиришнинг қатта аҳамияти борлиги фикрлашув вақтида эътироф қилинди. Шу муносабат билан қайд қилиб ўтилдики, Африкани ядросиз зона деб эълон қилиш тўғрисида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг қабул қилган резолюцияси ва Африка бирлиги ташкилотининг қарорлари ҳозирги вақтда яхши ўрнак бўлиб турибди. Ҳар иккала томон Германия сулҳ шартномасини тузиш масаласини тезроқ бартараф қилиш ва шу асосда Ғарбий Берлиндаги аҳволни нормаллаштириш зарурлигини кўрсатиб ўтдилар.

Ёппасига ва батамом қуролсизланиш тўғрисида битим тузишга эришиш, дейилади Қўшма ахборотда, ер юзида мустаҳкам ва барқарор тинчлик учун курашда давлатларнинг энг муҳим вазифаси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Қўшма ахборотда яна шу нарса ҳам кўрсатиб ўтилдики, томонлар миллий озодлик ҳаракатининг ҳозирги босқичдаги проблемаларини ҳар томонлама қараб чиқдилар. Совет томони Жазоир халқининг ўз миллий озодлиги, мустақиллиги ва социал тараққиёти йўлида олиб бораётган қаҳрамонона курашининг жаҳон миллий озодлик ҳаракати учун бўлган жуда катта аҳамиятига юксак баҳо берди ҳамда Жазоир Халқ Демократик Республикасининг президенти ва Миллий озодлик фронти партиясининг бош секретари шахсан Аҳмад Бин Белланинг алоҳида ролини ва у Жазоир халқининг танилган раҳбари эканлигини, унинг номи Жазоир халқининг мустамлакачиликка ва империализмга қарши, озод Жазоир Халқ Демократик Республикасининг мустақиллигини мустаҳкамлаш учун олиб бораётган кураши билан чамбарчас боғланганлигини қайд қилди.

Совет Иттифоқи ва Жазоир Халқ Демократик Республикаси мустамлакачиликка ва империализмга қарши, миллий озодлик, мустақиллик ва социал тараққиёт учун қаҳрамонларча курашаётган Африка, Осиё ва Латин Америкаси халқлари билан ўзларининг бирдам эканликларини айтдилар. Ахборотда айтиладики, ҳар иккала томон социализм қуриш йўлига тушиб олган ҳамда миллий мустақиллигини ҳимоя қилаётган қаҳрамон Куба халқини тўла равишда қатъий қувватлайдилар. Улар империалистларнинг Куба Республикасининг суверенитетини бузишга қаратилган ҳар қандай уринишини қоралайдилар.

Совет Иттифоқи ва Жазоир Халқ Демократик Республикаси миллий зулмнинг ва янги мустамлакачиликнинг ҳамма формаларини қатъиян қоралайдилар ҳамда миллий-озодлик ҳаракатини бундан буён ҳам актив қувватлашга маҳкам бел боғлаганлар. Совет томони Аддис-Абебадаги конференция қарорларининг Африка халқлари бирлиги ва тараққиёти учун бўлган тарихий аҳамиятига ўзининг юксак баҳо бераётганлигини айтди.

СССР ва Жазоир Халқ Демократик Республикаси якдиллик билан шуни уқтириб ўтдиларки, барча мустамлака мамлакатлар ва халқларга мустақиллик бериш тўғрисида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Декларациясини кечиктирмай амалга ошириш учун бутун куч ва ғайратни сарфлаш зарур. Африка, Осиё ва Латин Америкаси халқларининг империализмга, ҳамма форма ва кўринишлардаги мустамлакачиликка ва янги мустамлакачиликка қарши олиб бораётган олижаноб фидокорона курашида Совет Иттифоқи кўрсатаётган ёрдамга ва бу курашни қўллаб-қувватлаётганига Жазоир Халқ Демократик Республикасининг ҳукумати юксак баҳо бермоқда.

Ҳар иккала томон қўшилмаган мамлакатлар конференциясини чақириш тўғрисидаги қарорни қувватлайдилар. Бу конференция халқаро вазиятни янада соғломлаштиришга, мустамлакачиликни тугатишга, ялпи тинчликни мустаҳкамлаш ишига кўмаклашуви лозим. Африка ва Осиё мамлакатларининг иккинчи конференцияси империализмга, мустамлакачиликка қарши жипслаштиришни ўзига мақсад қилиб олса, совет томони бундай конференция чақирилишини қувватлаяжагини айтди.

Қўшма ахборотнинг якуловчи қисмида айтиладики, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ва Жазоир Миллий озодлик фронти партиясининг раҳбарлари ҳар икки томонни қизиқтирувчи партиявий масалалар устида фикрлашиб олдилар. КПСС билан Миллий озодлик фронти партияси ўртасидаги қардошлик ва бирдамлик алоқаларини ҳар иккала томон янада мустаҳкамлашни ва ривожлантиришни истаётганликлари мана шу фикрлашув вақтида янада аён бўлди. Ҳар иккала партия бир ёқадан бош чиқариб, ўзларининг бутун кучларини, тажрибаларини ва революцион ғайратларини шармандали мустамлакачилик системасини батамом йўқотиш, мазлум халқларни озод қилиш учун кураш ишига, одам одамни эксплуатация қилишини тугатиш ва социализм тантанаси ишига сарфлашга интилмоқдалар.

Миллий озодлик фронти партиясининг бош секретари, Жазоир Халқ Демократик Республикасининг президенти Аҳмад Бин Белла КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчевни Жазоир Халқ Демократик Республикасига ўзи учун қулай вақтда дўстона визит билан келишга таклиф қилди.

Н. С. Хрушчев бу таклиф учун ташаккур айтди ва Жазоирга боришга розилик берди. (ТАСС).

Халқ контроли АМАЛДА

ШТАТСИЗ ИНСПЕКТОРЛАР

Улар қисқа муддат ичида илғор тажрибаларни омма орасига ёйишди, хўжасизлик ва талон-торожликка қарши кураш ишида меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларини текшириш, халқ контролининг янги формаларини жорий қилиш бўйича анчагина намунали ишларни амалга оширишди. Ўз ишларида яхши натижаларга эришганликлари учун уларнинг бир группасига Тошкент қишлоқ область партия-давлат контроль комитети ташаккурнома эълон қилди.

Штатсиз инспекторларнинг энг ёши олтмишда. Бу нуроний кишиларнинг ғайрат-шижоатига, тадбиркорлигига, ишбилармонлигига қойил қоласиз, ўзлари билан суҳбатлашиб қолгудек бўлсангиз ўз фаолиятларидан қизиқ-қизиқ воқеаларни сизга ҳикоя қилиб беради. Мана эшитинг:

Г. Н. АЛЕКСАНДРОВ: — Мен илгари «Фарҳод» совхозининг бош зоотехниги бўлиб ишлаганман. Партия-давлат контроль комитети ташкил топганидан бўғи штатсиз инспектор бўлиб ишламоқдаман. Мен яқинда бўлган бир воқеани сўзлаб бермоқчиман.

Юқори Чирчиқ бўрдоқичилик пунктидан бизларга шикоят тушди. Шикоятда пункт раҳбарларининг ишларидаги камчиликлар кўрсатилган эди. Бир группа кишидан иборат махсус комиссия пунктни текшириш учун жўнадик. Шикоятда айтилган камчиликлар топилмади. Аксинча бизлар ҳеч ерда қўллачилмаётган янгиликка дуч келиб қолдик. Текшириш давомида пунктда қорамоллар белгиланган муддатдан ярим баравар кам вақт боқилаётганлиги, шунга қарамасдан моллар ниг бир суткада семириш вазни икки-икки ярим баравар ошганлигини аниқладик. Моллар 78 кун эмас, 34 кун боқилган. Бир суткада 515 грамм ўрнига 1,5 килограмм семирган. Аввало бизлар ишонмадик. Қайта-қайта текшириб кўрдик. Ҳаммаси тўғри. Бўрдоқичилик пунктининг раҳбарлари мол боқишда янги усулни қўллаган эканлар. Мол доктори Мирсаид Миробидов ўзи жорий қилган янги метод ҳақида ажойиб нарсаларни гапириб берди. Миробидов усули бўйича моллар боқувга қўйилгандан сўнг биринчи 8 озуқа бирлиги ўрнига қучайтирилган 12 озуқа бирлиги берилар экан. Натижада боқиш муддати қисқарган, семириш вазни ошган. Бир центнер ғўштнинг таннархи 64 сўм 50 тийиндан 51 сўм 68 тийинга тушириляпти. Бизлар ана шу янгиликни батафсил ишлаб чиқмоқчимиз ва бошқа хўжаликларга ҳам жорий қилиш учун тавсия этмоқчимиз.

М. МУҚИМЖОНОВ: — Эсимни танибманки сут маҳсулотлари саноатида ишлаб келдим. Унинг ҳамма томонлари менга беш бармоқдек маълум. Областимизнинг қатор шаҳар ва район марказларида сутни қайта ишлайдиган ҳажман кичик корхоналари бор. Мен уларнинг ҳаммасида бўлдим, экономикаси билан яхши танишдим. Кўпга ташланадиган камчиликлар шундаки, уларнинг ҳаммасида мутахассис кадрлар етишмайди, қайта ишлаш учун сут маҳсулотлари узоқ ерлардан келтирилади, транспорт воситаларига ошиқча маблағлар сарфланади, қайта ишлаш жараёнидаги сут чиқиндиларидан фойдаланилмайди. Мана шуларнинг ҳаммасини ўйлаб мен Бекобод, Олмалиқ, Оҳангарон сут корхоналарини бир нуқтага — Пискент сут комбинатига бирлаштиришни таклиф этдим. Бу таклиф халқ хўжалик кенгаши Совети ва область партия комитети бюроси томонидан маъқулланди. Бу таклиф амалга ошиш арафасида турибди. Бу таклиф амалга ошса сут чиқиндиларидан яъни мойи олинган сутдан, зардобдан, айрондан фойдаланиш яхши йўлга қўйилади. Масалан, зардобдан пишлоқ, болалар учун ишлатиладиган сут, кисель, квас қимиз, газли ичимликлар тайёрлаш мумкин. Бу ичимликлар витаминларга бой доривор ичимликлар ҳисобланади.

Н. М. ГОРЛОВСКАЯ: — Ҳар бир меҳнаткашнинг аризаси ёки шикоятига ниҳоятда зўр эътибор билан қараймиз. 1963 йилда меҳнаткашлар томонидан 129 та ариза ва шикоят тушди. Уларнинг 121 таси қараб чиқилди ва ижобий ҳал қилинди. Бу йил 50 дан ошиқ шикоят ва ариза олинди. Шулардан 30 дан ошиғи ҳал қилинди.

Бир мисол: 1963 йилнинг декабрь ойида «Қизил Ўзбекистон» колхозида турувчи Рисой Мавлоновадан шикоят тушди. Бизлар унинг аризасини текшириб кўрдик ва унинг фойдасига ҳал қилдик. Ҳозир Р. Мавлонова давлат томонидан пенсия билан таъминланди.

Л. Д. ФИНКЕЛЬШТЕЙН: — Мен 1-«Мелькомбинат»даги партия-давлат контроль комитетига кўмаклашув группасининг раиси-ман. Бизда ҳам дон чиқиндилар бўлиб туради. Терамицин деган нарсани эшитганмисиз. У медицинада даволаш учун ишлатилади. Чорвачиликда эса ундан семиртирувчи антибиотик сифатида фойдаланиш мумкин. Терамицин озуқага аралаштириб берилади. Натижада моллар семириш вазни яхшиланади, моддалар алмашинуви кучаяди, моллар турли касалликларга чидамли бўлади. Бизлар ҳозир дон чиқиндиларидан терамицин олиш йўлларини изламоқдамиз.

А. Г. СУПОНИЦКИЙ: — Хўжаликларимиздаги ишларнинг намунали ташкил этилишида «Узсельхозтехника» савдо базаларининг роли катта. Улар хўжаликларни керакли қишлоқ хўжалиги машиналари, запас қисмлар ва инвентарлар билан таъминлайдилар. Бизлар шу йилнинг бошида областнинг Ўртаовул савдо базасини текширдик. Текширишда катта камчилик ва нуқсонлар аниқланди. Бу ерда 1954—1955 йилларда олинган запас қисмлар ҳали ҳам ёмон аҳволда сақланаётган экан. Бу савдо базасининг иши область партия комитети бюросида муҳокама қилинди ва уни яхшилаш чоралари белгиланди.

* * *

Штатсиз инспекторларимизнинг амалга оширган яхши ишларини барчасини санаб бўлмайди, албатта. Улар республикамиз олдида турган улкан хўжалик вазифаларини бажаришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Р. УМАРОВ.





Суратларда: Тошкент қишлоқ область партия-давлат контроли комитетининг штатсиз инспекторлари (юқорида чапдан ўнгга) Г. Н. Александров, М. Муқимжонов, Н. М. Горловская, А. Г. Супоницкий, Л. Д. Финкельштейн, А. Тўлаганхўжаев ўртоқлар.

А. Абалян фотолари.

ОММАНИНГ КЎМАГИДА



Қишлоқ хўжалиги халқ хўжалигининг энг муҳим тармоқларидан биридир. Илғор фан ютуқлари ва тажрибаларни ишлаб чиқаришга жорий қилмасдан туриб қишлоқ хўжалигини муваффақиятли ва ҳар тарафлама ривожлантириш мумкин эмас. Бу муҳим вазифани бажаришда партия-давлат контроли комитетлари ҳам муҳим роль ўйнашлари, улар ишга халқит берувчи кишилар, консерваторларни фош қилишлари, колхоз ва совхоз хўжалигининг олга қараб юксалишига халақит берувчи ҳар қандай тўсиқларни йўқотиб, умумхалқ юксалишига эришишишга кўмаклашишлари керак.

Партия-давлат контроли комитети, унинг кўмаклашув группалари ва постлари бу соҳада анчагина ишлар қилдилар.

Айниқса халқ жамоат контролёрларининг кенг иштирокида олиб борилган текшириш диққатга сазовордир. Бунда область пахта-луб трестининг жойлардаги органлари уруғлик чигитни қандай тайёрлашлари текшириб кўрилди.

Текширишда шу нарса маълум бўлдики, ишлаб чиқариш бошқармалари ва пахта-луб трестининг, баъзи бир пахта заводларининг раҳбарлари уруғлик чигитни экишга тайёрлашдек муҳим ишга масъулиятни сезган ҳолда муносабатда бўлмаганлар. Текшириш ўтказилган вақтда талаб қилинган миқдордаги уруғликнинг 74.4 проценти тайёр қилинган эди. Пискент пахта тозалаш заводида эса 55 процент уруғлик тахт қилинганлиги маълум бўлди. Бўкадаги «Ленинизм» пахта тайёрлаш пунктида эса уруғлик чигитни сифатсиз дорилаганлар.

Баъзи жойларда эса уруғликни сақлашга хўжасизларча муносабатда бўлишган. Ана шу камчиликлар ўз вақтида очиб ташланди ва уни тугатишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланди.

Партия-давлат контроли комитети ва унинг жойлардаги кўмаклашув группалари бошқа соҳаларда ҳам қатор текшириш ишларини ўтказдилар. Жумладан Ўрта Чирчиқ районида медицина хизмати текшириб кўрилганда даволаш ишларини йўлга қўйишда жиддий камчиликлар борлиги аниқланди. Комитет бу масалани меҳнаткашлар депутатлари район Совети Ўрта Чирчиқ ижроия комитетининг навбатдаги сессиясида муҳокама қилишни тавсия этди.

КПСС Марказий Комитетининг декабрь ва февраль Пленумларида минерал ўғитни ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланишни қатъий контроль остига олиш вазифаси топширилди. Комитет партиямизнинг кўрсатмасига амал қилиб, минерал ўғит ташиш, сақлаш ва ундан фойдаланишнинг йўлга қўйилишини оммавий текширишлардан ўтказди. Бир қанча намунали ишлар қилинди. Энг муҳими шуки, кўпгина колхоз ва совхозларда минерал ўғитни сақлашнинг яхши йўлга қўйилишига эришилди. Эндликда ўғитнинг сочилиб, лой-тупроққа қорилиб ётиши каби кўнгилсиз ҳодисаларни деярлик учратмаймиз.

Қишлоқ хўжалик техникасини сақлаш ва ундан фойдаланиш қандай йўлга қўйилган? Шуни айтиш керакки, область хўжаликлари барча турдаги қишлоқ хўжалик машиналарини деярлик ўз вақтида чигит экиш кампаниясига тайёр қилиб қўйдилар. Бунда ўз вақтида текшириш ўтказиб, камчиликларни кўрсатиб берган партия-давлат контроли комитетларининг роли ҳам катта албатта.

Шунингдек партия-давлат контроли комитети нон ресурслари ва нон маҳсулотларидан фойдаланиш соҳасида йўл қўйилаётган жиддий камчиликларни тугатиш юзасидан кўп ишларни қилди.

Бу сингари оммавий текширишларни ўтказишда область партия-давлат контроли комитети ва ишлаб чиқариш бошқармалари партия-давлат контроли комитетларининг 300 дан ортиқ штатсиз инспектори, 10 мингдан ортиқ актив кишилари, 432 кўмаклашув группаси ва 1884 пост иштирок этди.

Кўпчилик колхозларда идора бошқарув аппаратида штатлар ҳаддан ташқари тарқоқ эди. Комитет ва унинг жойлардаги кўмаклашув группалари ва постлари колхоз ва совхозларда штатларни ихчамлаштиришга қаратилган тадбирларни ҳам амалга оширди.

Фақат Калинин ишлаб чиқариш бошқармасининг колхозларидагина идора-бошқарув аппаратидан 121 штат қисқарди. Бу бир йил давомида меҳнат ҳақи фонди ҳисобига 84 минг сўм пулни иқтисод қилиб қолиш имкониятини берди. Шунингдек, Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасида ҳам 59 штат қисқартирилиб, унинг ҳисобига йилига 56,5 минг сўм тежаб қолиш мумкин бўлди.

Партия-давлат контроли комитети меҳнаткашларнинг хат ва аризаларини кўриб чиқишга алоҳида аҳамият берди. Ўзининг иш даврида Комитетга ҳаммаси бўлиб 270 хат ва таклиф тушди, 650 дан ортиқ киши қабул қилинди. Текшириш натижалари комитет мажлисида муҳокама қилинди ва Ўзбекистон КП область комитети бюроси муҳокамасига қўйилди.

Меҳнаткашлардан тушган шикоят ва аризаларни текширишда 10 дан ортиқ штатсиз инспектор қатнашди. Булар орасида Г. Н. Александров, А. Г. Супоницкий, А. Тўлаганхўжаев, Ж. Хўжаев, Н. М. Горловская, М. Муқимжонов, И. П. Никольский ўртоқлар айниқса ғайрат ва ташаббус кўрсатиб ишламоқдалар.

Бироқ буларнинг ҳаммаси биз бажаришимиз керак бўлган катта ишнинг бошланишидир.

Ҳозирги пайтда область партия-давлат контроли комитети партия ва ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш билан боғлиқ бўлган қарорларини текширишдан ўтказяпти. Биз савдо ва маиший хизмат соҳасида давлат мулкини талон-торож қилувчиларга қарши кураш соҳасида ҳам бир қатор ишларни амалга оширишни мўлжаллаб турибмиз.

Кўмаклашув группалари — партия-давлат контроли комитетининг асосий ва етакчи звеносидир. Улар кенг меҳнаткаш халқ оммасига суяниб партия, давлат қарорларининг бажарилишини назоратқилиб борадилар. Қишлоқ хўжалигини интенсивлаш вазифаси қўйилган ҳозирги пайтда қишлоқ жойларда меҳнат қилаётган кўмаклашув группаларининг роли янада ошиб кетди. Улар ҳар қачонгидан ҳам активлик, ишчанлик ва принципиаллик кўрсатишлари лозим. Ана шунда КПСС Марказий Комитети февраль Пленуми қарорларини ҳаётга татбиқ қилабориб фан ва илғорлар тажрибасини ишлаб чиқаришга жорий қилиб, комплекс механизацияни тобора кенг қўллаб, 1964 йилда пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш топшириқларининг муваффақиятли бажарилишига муносиб ҳисса қўшган бўламиз.

Ж. МАЛИКОВ,
Тошкент қишлоқ область партия-давлат контроли комитетининг раиси

<> <>

Шунинг учун ҳам кўмаклашув группаларининг жанговарлик қобилиятини ошириш — бу партия-давлат контроли комитетларининг биринчи даражали вазифасидир.

Кўпгина кўмаклашув группалари қисқа вақт ичида қимматли ва ўрнак олса арзийдиган тажриба тўпладилар. Улар колхоз-совхоз экономикасини мустаҳкамлаш учун ҳормай-толмай курашмоқдалар, ҳар қандай хўжасизлик ва молиявий интизомсизликларга қарши аёвсиз курашмоқдалар. Колхозларда ва совхозларда меҳнат ҳақларига пул тўлаш ва меҳнатни ташкил қилишнинг яхши йўлга қўйилишида ёрдамлашмоқдалар.

Бу соҳада Оққўрғондаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозида ташкил этилган кўмаклашув группасининг иши мақтовга сазовордир. Бу группада 22 киши бор. Беш бўлимда бешта кўмаклашув группаси ташкил этилган. Чорвачилик фермаларида ҳам кўмаклашув группаларининг постлари бор. Кўмаклашув группаси бюросининг раиси совхоз партия комитети секретарининг ўринбосари И. В. Басанец группаларнинг ишига раҳбарлик қилишда ишчанлик кўрсатмоқда. Кўмаклашув группаси ва унинг активлари ўзларининг бутун куч ва ғайратларини совхоз дирекцияси ва партия ташкилотига пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштиришда амалий ёрдам беришга қаратганлар. Шунинг учун ҳам кўмаклашув группаси ва унинг аъзоларини ҳамма ҳурмат қилади, унга маслаҳат билан мурожаат қилади.

Янгийўлдаги «Коммунизм» колхозининг кўмаклашув группаси ҳам анча ибратли тадбирларни амалга оширмоқда.

Лекин шуни ҳам айтиш керакки, кўпгина кўмаклашув группалари фаолиятида ҳали жиддий камчиликлар учраб турибди. Калинин ва Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармаси ва бошқа бошқармаларнинг колхоз ва совхозларидаги баъзи бир кўмаклашув группалари меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш масалалари билан ҳали кам шуғулланмоқдалар. Ваҳоланки, хўжаликларда қўл меҳнати сарфи, айниқса чорвачиликда қўл меҳнати сарфи юксакдир.

Кўмаклашув группалари ўз ишларида кескин бурилишга эришиш учун қишлоқ хўжалик мутахассисларидан кенг фойдаланишлари, шу билан бирга ўз малакаларини ва билимларини тинмай оширабориш лозим.

Область партия-давлат контроли комитети ва ишлаб чиқариш бошқармаларининг партия-давлат контроли комитетлари штатсиз бўлимлар ишини яхши йўлга қўйишга ёрдам бермоқдалар.

Партия-давлат контроли область комитети қошида еттита штатсиз бўлим ташкил этилган. Штатсиз бўлимларда ишлаш учун 62 инспектор танлаб олинди ва тасдиқланди. Еттита ишлаб чиқариш бошқармасидаги партия-давлат контроли комитетлари қошида ҳам 36 та штатсиз бўлим ташкил қилинган бўлиб, уларда 281 киши ишлайди.

Вазифа ана шу штатсиз бўлимларнинг кучидан ва имкониятларидан тўла фойдаланишдан иборатдир. Бу соҳада ўрнак олса арзийдиган штатсиз бўлимлар бор. Жумладан Оққўрғон ишлаб чиқариш бошқармаси партия-давлат контроли комитети штатсиз қишлоқ хўжалиги бўлимининг иши диққатга сазовордир. Бўлимга республикада хизмат кўрсатган агроном, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Исмоилов бошчилик қилади. Бу бўлим ўтган йили чигит экиш, ғўза парваришини ташкил этиш ва ҳосил йиғим-теримини уюштириш билан боғлиқ бўлган ишларда актив иштирок этди. Бўлимнинг бу йилги фаолияти ҳам чакки эмас. Калинин, Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармалари партия-давлат контроли комитетлари штатсиз бўлимларининг иши ҳам яхши ташкил этилган.

КПСС Марказий Комитети декабрь ва февраль Пленумлари қарорлари билан қуролланган областимиз меҳнаткашлари пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш йўлида қизғин меҳнат қилмоқдалар. Партия-давлат контроли комитетлари ва унинг жойлардаги кўмаклашув группалари ана шу шарафли вазифани бажаришда колхоз ва совхозларга ҳартарафлама ёрдам беришлари керак.

Иш бошидан пухта бўлсин

Қадрдон Тошкентимиз кундан-кун ободонлашмоқда. Тезкорлик билан қад кўтараётган турар-жой бинолари, маданий-маиший муассасалар, янги-янги корхоналарнинг саноғига етолмайсан, киши. Кейинги йиллар ичида шаҳримиз тез суръатларда газлашмоқда, водопровод шохобчалари кенгайяпти, канализация системаси тартибга солинмоқда. Кўплаб хонадонларда телефон аппаратлари узоқни яқин қилаётир.

Буларнинг ҳаммаси совет кишисининг янада фаровон яшаши учун қилинаётган ҳайрли ишлар. Бироқ айрим қурилиш-монтаж ташкилотларининг ишни кўнгилдагидек уюштирмаётганлиги талабчан аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўляпти. Чунончи «Узсантехгазмонтаж» трестига қарашли механизациялашган ишлар бошқармаси (бошлиғи ўртоқ Харченко), «Таштрансспецстрой» трестига қарашли 1-қурилиш бошқармаси (бошлиғи ўртоқ Штрамель), «Горспецмонтаж» бошқармаси ва бошқа баъзи қурилиш-монтаж ташкилотлари кўчаларни ўйиб, труба ёки кабель ётқизилгач, уни яна асли ҳолига келтирмай ташлаб кетишаётир. Бунинг натижасида йўллар ўйдим-чуқур бўлиб ётипти. Транспорт ва йўловчилар қатнови қийинлашаяпти. Шаҳарнинг санитария ҳолати ёмонлашаяпти.

1-қурилиш бошқармаси Малой-Бешагаческая ва Саракульская кўчаларидаги ишларни чўзиб юборди. Шота Руставели, Навоий кўчаларида қазилган зовурларни ёмон кўмганлиги оқибатида янгидан ётқизилган асфальтлар ботиб кетди. Пушкин кўчаси икки марта асфальтланса ҳам талабга жавоб бермаётир. Бунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Тошкент шаҳар партия-давлат контроли комитетининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида юқоридаги масала кўрилди. Ишда кўпол хатоликларга йўл қўяётган раҳбарлар жиддий огоҳлантирилди. Шунингдек, Тошкент шаҳар ирроия комитети Давлат инспекцияси (бошлиғи ўртоқ Кострица), Давлат автомобиль инспекцияси (бошлиғи Ильичев ва Хабаров ўртоқлар), ободонлаштириш бошқармаси (бошлиғи ўртоқ Исломов), архитектура ва планлаштириш бошқармаси (бошлиғи ўртоқ Якушев) йўлларни қайта тиклаш устидан яхши контроллик қилмаётганликлари қайд қилинди.

Шаҳар партия-давлат контроли комитети юқоридаги ташкилотлар раҳбарларининг яқин кунлар ичида хатоларга хотима бериш тўғрисидаги ваъдаларини назарга олиб, уларни огоҳлантириш билан кифояланди.

Ш. ҚОСИМОВ.

САНОАТ „НОНИ“НИ ТЕЖАНГ

Металл — саноат «нони» деган эди В. И. Ленин. Нон сингари металл ҳам талай қийинчиликлар, сермеҳнатли иш мевасидир. Уни конларда қазиш, заводларда эритиш, истеъмолчиларга етказиб бериш учун жуда кўп маблағ сарфланади. Шу сабабли металлдан ишлаб чиқаришда оқилона фойдаланиш, унинг ҳисоб-китобини тўғри олиб бориш ва яхши сақлаш коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш учун курашда муҳим аҳамият касб этади.

Шу йилнинг январь ойидан бошлаб бутун мамлакатимиз саноат корхоналарида, қурилишларида ва бошқа ташкилотларда қора ва рангли металлар ҳисоб китоби, уларни сақлаш ва фойдаланиш аҳволини аниқлаш бўйича текшириш ўтказилди. Бу текширишга партия-давлат контроли органлари раҳбарлик қилдилар.

Тошкент областида катта давлат аҳамиятига эга бўлган мана шу катта текширишда 5 мингдан ортиқ назоратчи қатнашди. Партия-давлат контроли органларига кўмаклашувчи группа ва постлар, «Комсомол прожектори» отрядлари, статистика бошқармалари ходимлари, саноатнинг турли тармоқлари мутахассислари, конструктор, технолог, экономист, бухгалтер, нормаловчи ва бошқа касб эгалари актив иштирок этдилар. Партия, касаба союз ва комсомол активлари бу текширишга бошчилик қилдилар.

Ҳозир бу соҳадаги текширишга якун ясалди. Текшириш шуни кўрсатдики, кўпгина корхоналар ва қурилиш ташкилотларининг раҳбарлари 1963 йил охирида нормада белгиланганидан ташқари кўплаб металл запаслари сақлашга йўл қўйганлар. Область бўйича нормадан ташқари 15,9 минг тонна қора металл, 2,7 минг тонна рангли металл, 165 минг метр труба борлиги маълум бўлди. «Узбекгидромаш», «Компрессор», «Подъёмник», «Ташкенткабель», 1-ремонт-механика, экскаватор, Октябрь революцияси номли, «Чирчиқхиммаш» заводларида, Олтинтопган кон-металлургия комбинати корхоналари ва 159 ҳам 160-қурилиш трестларида, айниқса, кўп металл запаси борлиги аниқланди.

Айрим корхоналарнинг раҳбарлари маълум миқдордаги металлни 1964 йил 1 январига ўтказиш пайтида рўйхатдан яширганлар. Область бўйича 1.128 тонна қора металл, 138 тонна рангли металл ва 15,5 минг метр труба ҳисоб-китобдан ташқарида қолган.

Тошкент уйсозлик комбинатида 216 тонна, тўқимачилик комбинатининг механика заводида 69 тонна, хўжалик буюмлари заводида 95 тонна, 2-темир-бетон буюмлари заводида 81 тонна, Қалмоққир конида 33 тонна, Чирчиқ электрохимия комбинатида 42 тонна, «Чирчиксельмаш» заводида 23 тонна металл ҳисобга олинмаган. Ана шу 1.128 тонна ҳисобга киритилмаган металлдан 398 та пахта териш машинаси ёки 633 та пахтани коп-қанорсиз ташийдиган прицеп ишлаб чиқариш мумкин эди.

Текширув пайтида бундай хўжасизлик оқибатларининг сабабларини ўрганишга кўп эътибор берилди. Шу нарса маълум бўлдики, областимизнинг бир қатор корхоналари ва қурилиш ташкилотларида металлни тежаб-тергаб сарфлаш учун етарли кураш олиб борилмаётир, ишлаб чиқариш технологияси суст такомиллаштирилмоқда, металл қолдиқларидан қайта фойдаланишга кам аҳамият берилаяпти. Кўплаб бракка йўл қўйилмоқда. Область бўйича 4,5 минг тонна металл белгиланганидан ортиқча сарфланган. Шундан 1,5 минг тоннаси технология қоидаларига риоя қилмаслик, 1,9 минг тоннаси бир маҳсулотнинг иккинчиси билан алмаштирилиши, 800 тоннаси бракка йўл қўйилганлиги туфайли ишлатиб юборилган. Ортиқча сарфланган ана шу 4,5 минг тонна металлдан қўшимча равишда 1.600 та пахта териш машинаси ёки 2.500 та пахтани коп-қанорсиз ташийдиган прицеп ишлаб чиқариш мумкин. Ички резервлар мана қаерда яширинган! Корхоналарнинг раҳбарлари бу масала устида жиддий бош қотиришлари лозим.

Металлнинг беҳуда исрофланиши корхоналарнинг техника-иқтисодий кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди, албатта. Масалан, «Узбексельмаш» заводида 1963 йил мобайнида металлнинг кўп исрофланиши ҳисобига маҳсулот таннархи плани бажарилмади.

Металлни сарфлашни тартибга солиш моддий-техника таъминотини планлаштиришнинг асосидир. Бироқ бу масалада ҳам жиддий нуқсонлар аниқланди.

Тўқимачилик комбинатининг механика заводида металлни сарфлаш бўйича доимий норма белгиланмаган. Ўрта Осиё халқ хўжалиги кенгаши бинокорлик материаллари саноати бошқармасининг ремонт-механика заводида металл аниқ норма асосида сарфланмаётир. Бу корхона 1963 йилда тўрт хил маҳсулот ишлаб чиқариш учун нормадан ташқари 192 тонна металл сарфлагани бежиз эмас. Хўжалик буюмлари заводида эса шу пайтгача 1957 йилда берилган нормадан фойдаланилмоқда. «Автотрактородеталь» заводида бутун 1963 йил мобайнида металлни сарфлаш нормаси қайта кўриб чиқилмаган. Трактор-йигув заводи цехларида мавжуд нормалар таъминот бўлимидаги нормалар билан мувофиқ келмайди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Металлни сарфлашнинг қатъий нормалари бўлмаганлиги айрим корхоналарда металлни тежаш учун курашни авж олдиришга тўсқинлик қилаяпти. Айрим ҳолларда эса корхоналар металлни тежаб-тергаб сарфлаш, қолдиқлардан қайта фойдаланишдан манфаатдор бўлмай қоладилар. Шундай қилиб, оширилган норма пайдо бўлади.

Корхоналарда металл чиқиндиларини қайта фойдаланиш ёмон аҳволда. Металл бўлакчалари узоқ вақт тўпланиб қолмоқда, очиқ ҳавода, қор-ёмғир остида қолиб, занглаб ишдан чиқмоқда. «Узбексельмаш» заводида узунлиги 400—800 миллиметр келадиган металл чиқиндилари утиль базага ташлаб юборилмоқда. Чиқиндилар орасида 1.400 миллиметр узунликдаги 100 га яқин темир бўлакчаси борлиги аниқланди. Экскаватор заводида эса пўлат эритиш учун тайёрлаб қўйилган шихта ичида ишга яроқли металл чиқиндилари топилди.

Ҳамма корхоналарда ҳам металл бўлакчаларини йиғиш ва топшириш тўғри йўлга қўйилган деб бўлмайди. Кўп жойларда металл йиғиладиган махсус майдончалар йўқ.

Маълумки, металлни тежашда рационализаторлик таклифларининг ишлаб чиқаришга жорий қилиниши катта роль ўйнайди. Бироқ кўпгина корхоналарда киритилган рационализаторлик таклифлари суст жорий қилинмоқда. Масалан, «Ташсельмаш» заводида ўтган йили металлни иқтисод қилишга қаратилган таклифларнинг 13 таси ишлаб чиқаришга жорий этилмай қолиб кетди. Экскаватор заводида шундай таклифлардан 12 таси жорий этилмади. Ваҳоланки, бу тадбир амалга оширилса 25 тонна пўлат тежалган бўларди.

Айрим корхоналарда металлни, айниқса қора металлни сақлаш қониқарсиз ташкил этилган. Деярли барча корхоналарда металл сақланадиган махсус бостирмалар йўқ. Рангли металлар биноларда сақланади-ю, қора металлар очиқ ҳавода қолиб зангламоқда, ишдан чиқади.

Партия-давлат контроли органлари ва бу органларнинг корхоналарга юборилган комиссиялари металлни сақлаш, ҳисоб-китоб қилиш ва фойдаланиш соҳасида йўл қўйилиб келинаётган камчиликларни бартараф этишга қаратилган шошилинч тадбирларни белгиладилар. Давлат интизомини бузган айрим кишиларга нисбатан чора кўрилди. Оқибатда бу соҳадаги аҳвол анча яхшиланди.

Текшириш якунлари область партия-давлат контроли комитети ва Ўзбекистон КП саноат область комитети бюроси йиғилишларида муҳокама этилди. Корхоналар ва қурилишларнинг раҳбарлари зиммасига мавжуд нуқсонларни йўқотиш юзасидан конкрет тадбирлар белгилаш, металларни тежаб-тергаб сарфлаш вазифаси юклатилди. Шаҳар, район партия комитетларига текшириш натижаларини кенг муҳокама этиш, кўмаклашувчи группалар ва «Комсомол прожектори» отрядлари қора ҳамда рангли металларни рўйхатга олиш, сақлаш ва фойдаланиш юзасидан тўхтовсиз назорат олиб боришга даъват этилдилар.

А. ПУТТИЕВ,
Тошкент саноат область партия-давлат контроли комитетининг инспектори.

ТОШ АСРИГА САЁҲАТ

✦ Ғорлардан чиқаётган садо ✦ Одамзоднинг ёши нечада? ✦ Тошлар гувоҳлик беради. ✦ «Обираҳмат» сирлари. ✦ Кутилмаган хазина

Машина тасмасимон асфальт йўлда қўшдек учади. Теварак атроф кўм-кўк. Дарахтлар гулли либос кийган, майсаларга капалаклар қўнган. Тоғдан тушаётган шалолалар Полтавсой дарёсини шошираяпти, сувини ошираяпти. Дарёнинг ўнг қирғоғи яна ҳам гўзал. Гул чечакларга бурканган тепаликлар устида ёввойи олмалар, нок ва ёнғоқлар баҳор шамолида тебраниб турибди. Пастда Чорвоқ гидроузели.

Бу ерлар қаърида қандай ажойиботлар яшириниб ётган экан? Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тарих ва археология институти ходимлари шу муаммо кетидан Бўстонлиқ томон отланишди.

Ёз. Қуёш оловли нурини пуркайди. Палаткалар ичи ҳам дим. Хусан похол шляпасини қўлига олди-да, аста ўрнидан турди.

— Дўзахнинг оғзи очилди чамаси. Юринглар, анави тоғларга чиқиб дам олиб қайтамиз.—деди у дўстларига.

Таклиф маъқул тушди. Табиат манзаралари кишини ўзига маҳлиё этади. Оғайнилар сув ичгани пастроққа тушиб кетишди.

Хусан эса тепароққа — шалола тушаётган жойга чиқди. Чиқди-ю ўз кўзларига ишонмай қолди. Тиниқ сув остида аллақандай тош қуроллари. Шалола тошларни емиравериб бу қуролларни юзага чиқариб қўйган бўлса керак. Демак, шалола янги эмас, асрий тарихга эга. Ундан балки ибтидоий жамоа кишилари сув ичгандир, ўйлади Хусан ва яна нарироқ юрди. Ўйлагани тўғри чиқаяпти. Қаршисида кўҳна ғор. Ғор оғзининг диаметри 21, баландлиги эса 12 метр, ичкарига томон 8 метргача кириб бориш мумкин. Деворлари кальцитдан ҳосил бўлган. Бу 388 миллион йил муқаддам мавжуд бўлган Девон даврига хос белги. Тошлар яна ҳам ажойиб. Уларда сувости ҳайвонларининг изи қолган. Демак, бу ерларни қачонлардир сув босган бўлса керак. Сўнг сув қуриган. Ибтидоий одамлар ғордан ҳайвонларни қувиб чиқариб, улар ўрнини ўзлари эгаллашган.

— Ажойиб янгилик-ку! — деб юборди суюнганидан Аҳад Муҳаммаджонов.

— Ўчоқни кўринглар, — деди Хусан аспирант Алимардон Абдуҳамидовни олдига чақириб. — Мана, ҳайвон суяклари. Ҳозиргилардан фарқи кам. Овни шу ўчоқда кабоб қилишган, чамаси.

Дастлабки разведкадан сўнг ғорни қазиш ишлари бошланиб кетди. Тепа қатламларида шаъм, пичоқ каби кейинги даврга оид асбоб-ускуналари ҳам топилди. Кишилар XX асргача истиқомат қилишганга ўхшайди бу ерда. Қуйироқдан X—XI асрларга хос металл эритиш печи қолдиқлари чиқди. Яна пастроқда Мусте даврида қўлланилган 17 мингдан ортиқ тош буюмлари ётибди. Улар турлича: найзасимон, қирғичга ўхшаш, пичоқсимон тузилишларга эга.

Хусан хурсанд. Кандидатлик темасига оид материаллар учун хазина бўлди бу Обирахмат ғори.

Ёш илмий ходим Хусан Насриддинов «Чирчиқ ҳавзасида қадимги тош даврига оид бўлган манзилгоҳлар» деган илмий темада кўп йиллардан бери тинмай изланаяпти. СССР Фанлар академияси археология институтининг Ленинград бўлими аспирантурасида ўқиб юрган кезларида ҳам профессор Алексей Павлович Окладников раҳбарлигида Ангара, Болтиқбўйи, Уссурия ўлкаларида бўлиб, қадимги манзилгоҳлар билан танишди.

Аспирантурани битиргач, Ўзбекистон территориясида илмий-қазилма ишларида қатнаша бошлади. Бухоро областига қилинган экспедиция натижаларини 1960 йилда «Қизилқирдан топилган тош даври манзилгоҳлари» сарлавҳали илмий мақоласида эълон қилди. Тадқиқотчи бу мақолада давримиздан 5—6 минг йил илгари яшаган кишиларнинг хонадонлари, ишлатган қурол-аслаҳалари ва урф-одатлари ҳақида фикр юритди.

Шундан сўнг у икки-уч йил Хўжакент ва Оқтош ғорлари тарихи билан қизиқди. Машақкатли изланишлардан сўнг Х. Насриддиновнинг «2-Хўжакент ғори— Тошкент яқинидаги Мусте даврига ҳайкалдир», «Тошкент яқинидаги Оқтош ғори манзилгоҳларн», «Бўстонлиқ районида тош асри излари» сарлавҳали қатор илмий мақолаларн босилиб чиқди. Ғорлардан кутилмаган ҳазиналар топилди. Ўрта Осиё территориясида одамзоднинг бундан 100—120 минг йил муқаддам пайдо бўлганлигини исботловчи далиллар, 400 дан ортиқ турли хил тош қуроллари, кунлик рўзғор учун зарур бўлган асбоб-анжомлар чиқди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг тарих ва археология институти томонидан чиқарилаётган «Ўзбекистоннинг моддий-маданий тарихи» тўпламида яқинда Х. Насриддиновнинг «Обираҳмат» ғори» сарлавҳали илмий мақоласи босилиб чиқди. Ёш олим бошланган ишни давом эттирмоқчи. Фан учун улкан хазина бўлган «Обираҳмат» ғорига «тил киритмоқчи».

Ўзбекистон тарих музейининг илмий ходими Хусан Насриддиновга бу ишда ижодий камолот ва муваффақиятлар тилаймиз.

Ж. НОСИРОВ.



Суратда: Ўртоқ Х. Насриддинов тош қуролларини кўздан кечирмоқда. М. Нуриддинов фотоси.

«Обираҳмат» ғорининг олд томонидан кўриниши.

АТЕИСТЛАР КУРСИ

Тошкент шаҳар партия комитети сиёсий маориф уйи ҳузурида илмий-атеизм бўйича пропагандистлар тайёрлаш бир йиллик курси ташкил этилган. Қишлоқ хўжалик институти философия кафедраси мудири, философия фанлари кандидати Х. Расулев, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси философия ва ҳуқуқ институтининг илмий ходимлари В. Платонов ва бошқа ўртоқлар атеист пропагандистлар тайёрлаш ишига самарали ёрдам бераётирлар.

В. ДРОБИШЕВ.

ЖАҲОН ЯНГИЛИКЛАРИ

ҚАРДОШЛИК ЁРДАМИ

ГАВАНА. Санта-Клара шаҳридан бир неча километр нарида илгари бўш ётган жойда янги механика заводининг кенг ишлаб чиқариш корпуслари қад кўтарди. Бу завод Совет Иттифоқининг ёрдами билан мисли кўрилмаган қисқа муддатда қурилди. Завод Кубадагина эмас, балки бутун Латин Америкасида ҳам шу хилдаги энг йирик корхонадир. Ў машиналарнинг узелларини ишлаб чиқариш ва ремонт қилиш ҳамда қанд ва кон-руда саноати учун запас қисмлар тайёрлаб бериш учун мўлжаллангандир.

3 майда заводнинг кенг ҳовлисида корхона қурилиши муваффақиятли тугалланганлиги ва у ишга туширилганлиги муносабати билан оммавий митинг бўлди.

Митингда Социалистик революция бирлашган партияси миллий раҳбарлигининг аъзоси, саноат министри Эрнесто Гевара нутқ сўзлаб, Кубага кўрсатилган ёрдам учун Совет ҳукуматига, бутун совет халқига қизғин миннатдорчилик билдирди. Бу заводнинг қурилиши, деб таъкидлади Гевара, пролетар интернационализмининг ёрқин намойишидир.

ТОРЕЗ ПАСИОНАРИЯНИ ҚУТЛАМОҚДА

ПАРИЖ, 6 май. (ТАСС). Долорес Ибаррурига «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Ленин мукофоти берилганлиги муносабати билан Франция Компартиясининг бош секретари Морис Торез Ибаррурига табрикнома юборди.

Миллион-миллион французлар Сизнинг испан халқига бош бўлиб, шавқатли ва ажойиб кураш олиб борганлигингизни, тинчлик ва демократия ишига ҳисса қўшганлигингизни яхши биладилар, дейилади табрикномада.

Морис Торез Франция Компартиясининг Марказий Комитети номидан Долорес Ибаррурига қардошларча бирдамлик истагини изҳор қилди. Испаниядаги снёсий маҳбусларни қутқариш учун, демократия ва тинчлик учун Ибаррури олиб бораётган курашни тўла равишда қувватлаймиз, деб ваъда берди.

ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

НЬЮ-ЙОРК, 6 май. (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг кечаги мажлисида Кашмир масаласи яна муҳокама қилинди.

Югославияда театр санъатининг кўриги

БЕЛГРАД. Югославиянинг Нови-Сад шаҳрида тўққизинчи марта театр санъатининг кўриги бошланди. Театрларнинг саҳналарида ҳозирги замон драма асарлари, турли миллат классикларининг асарлари кўрсатилмоқда. Мамлакат ёзувчиларининг асарлари асосий ўринни эгалламоқда. (ТАСС).

ЖАЗОИРДА СУВ ТОШҚИНИ

ЖАЗОИР, 5 май. (ТАСС). Жазоирнинг шарқи-жанубидаги Женет районида бўлган катта сув тошқини натижасида икки минг киши зарарланди.

АПС агентлиги мухбирининг хабарида айтилишича, ҳалокат рўй берган районга қутқариш отрядлари ҳамда озиқ-овқат ва дори-дармонлар ортилган юк машиналари юборилди.

ҒАРБИЙ ГЕРМАНИЯ СОЛДАТЛАРИ ФРАНЦИЯДА

ПАРИЖ, 6 май. (ТАСС). Франциядаги Бич шаҳрида бўлган лагерга (Мозель департаменти) кеча бундесвернинг 900 солдати келди. Франс Пресс агентлигининг хабарида айтилишича, бу лагерга қурол-яроғ ва танклар ҳам келтирилган. Германия Федератив Республикасининг ҳарбий қисмлари бу ерда учинчи марта ҳарбий маневрлар ўтказганлар. Бу маневрлар май ойининг охиригача давом қилади.

Г. КРАСНИЦКИЙ ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

СССР Олимпиада терма командасининг аъзоси ҳамшаҳаримиз Г. Красницкий жанубий Америкада совет спорти шарафини ҳимоя қилди. «Пахтакор» командасининг ўйинчиси Америкада ўтказган учрашувлар, чет эл футболчиларининг тактик ва техник маҳоратлари ҳақида ҳикоя қилувчи «Жанубий Америкада саккиз учрашув» сарлавҳали китобини ёзди.

Автор совет ва чет эл футболи ҳақида ҳикоя қилар экан, буржуа мамлакатларида футболчиларга бир буюм сифатида қараётганликларини, уларни истаган клуб бошқа бирига сотиб юбориш ҳуқуқига эга эканлигини қаттиқ қоралайди. Аргентинанинг 472 футболчиси чет мамлакатларга сотиб юборилганлигини чуқур ачиниш билан тилга олади.

Яқин кунларда Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти Г. Красницкийнинг «Жанубий Америкада саккиз учрашув» сарлавҳали китобини ишқибозларга совға қилади.

С. МУМИНОВ.

ҲОДИСА

ЖАСОРАТЛИ ҚИЗ

Танзила магазиндан олган нонни бағрига босди-да, кўчадан югура кетди. Шу пайт тўсатдан фалокат ёқасида қолди... Шофер тормозни босди, аммо шиддат билан елиб келаётган машинасини дарҳол тўхтата олмади. Машина Танзилани туртиб юборди. Қизча бир неча метр нарига, кўчанинг ўртасига учиб тушди. Буни кўрган бир қиз эпчиллик билан Танзилани ердан даст кўтариб, кўча четидаги ариққа ўзини отди. Машина Танзила ётган жойни босиб ўтиб, бир неча метр нарида тўхтади.

Ажал панжасидан сақлаб қолинган Танзила дарҳол «тез ёрдам» машинасида касалхонага юборилди. Унинг елка суяги лат еган экан.

Танзилани ўлимдан сақлаб қолган ким?

Бу жасоратли қиз Тошкент грампластинка заводининг илғор ишчиларидан бири Галя Мамедова эди. Танзиланинг онаси Саодат опа Галяга чин қалбдан миннатдорчилик айтди.

М. СУЛТОНОВ.

ЭРТАГА СЕВАСТОПОЛЬ ОЗОД ҚИЛИНГАНИГА 20 ЙИЛ ТЎЛАДИ

ҚАҲРАМОН ШАҲАР

Адмирал Николай БАСИСТИЙ

Бу 1941 йилнинг якшанба куни тонготарида бошланган эди. Бортида денгиз миналари бўлган душман самолётлари Севастополга ёриб кира бошлади. Гитлерчилар флот кемаларининг базадан денгизга чиқиш йўлини тўсишга уриндилар. Қиргоққа ташланган иккита минанинг қулоқни қоматга келтирувчи шовқини сокин шаҳарни уйғотиб юборди.

Уруш! Ҳамма нарса ягона мақсад — душманни тор-мор келтиришга қаратилди. Шаҳар ҳарбий лагерь бўлиб қолди. Бу лагерда ҳамма ғалаба учун курашчилар сафига турди. Қора денгиз флоти денгиз пиёда қўшинларининг дастлабки бўлинмаларини ташкил қилди. Денгиздан келадиган душманни бартараф қилишга мўлжалланган қирғоқ батареялари фашистларни қуруқдан кутиб олишга тайёргарик кўрди. Матрослар ва шаҳарликлардан икки мингга яқин киши ҳар куни мудофаанинг қуруқ ердаги чегараларини қуришга чиқди. Тош-шағал ерда окоплар, блиндажлар ва дзотлар вужудга келабошлади.

Шаҳар оғир жангни мардона қарши олди. Ҳаводан душман тўхтовсиз ҳужум қилар, қуруқликдан артиллерия ўққа тутар, денгизда жанг узлуксиз давом этарди. Бу аҳвол жуда узоқ вақт саккиз ой давом этди.

Севастополликлар урушнинг биринчи йили ноябрини ҳали-ҳали эслайдилар. Душман шаҳар остоналари яқинида эди. Гитлер шаҳарни биринчи ноябрда оламан, деб мақтанди ва бизга 72-132, 50 ва 22-пиёда қўшинлар дивизияси ҳамда 5-румин мотобригадасини ташлади. Душман сон жиҳатидан катта устунликка эга эди. Бизнинг жанг билан чекинаётган Приморская армиямиз Севастополь гарнизони қисмларидан ҳали олисда эди.

Лекин шаҳар мудофаачилари жойларидан қимирламадилар. Улар «ўлсак ўламиз, лекин чекинмаймиз!» дер эдилар.

Шаҳар душманнинг қишки ҳужумига ҳам бардош берди. Севастополни энди жангчи шаҳар деб атар эдилар. Ҳа, Севастополь шўндай бўлган эди. Ў ишлари билан шуғулланувчи Евфросинья Гуленкова эрининг ўрнига Ново-Шульский подстанциясида электромонтер бўлиб ишлай бошлади. Унинг ташаббусига минглаб аёллар қўшилдилар. Ер остидаги махсус комбинатларда, «Молот» ва «Мехстройзавод» корхоналарида улар ғалаба қуролларини ишлай бошладилар. Ўқ ва миналар фронтга узлуксиз етказиб бериб турилди. Кексайиб қолган, минглаб йигит ва қизларни тарбиялаган ўқитувчи Федоринчук тўрт ёш боласи бўлатуриб мудофаа чегаралари қурилишига бошчилик қилди.

Маълумки, 1942 йил қишида гитлерчилар ўлганлар ва ярадор бўлганлар билан қирқ минг киши йўқотди. Совет қўшинларининг Керчь ярим оролида бошлаган ҳужумлари душманни Севастополь яқинидан учта пиёда қўшинлар дивизиясини шу томонга олиб келишга мажбур этди. Бундан фойдаланган севастополликлар фронтнинг бир қатор участкаларида қарши ҳужумга ўтдилар ва ўз позицияларини мустаҳкамладилар. Совет қўшинлари душманнинг қутуриб қилган ҳужумини 250 кун қайтариб турдилар. Минглаб гитлерчилар Севастополь остоналарида ўлимга маҳкум этилди.

Босқинчилардан шаҳарни озод қилиш учун Совет Армияси ва флотига уч кун керак бўлди. Ваҳоланки, фашистлар Севастополни узоқ вақт қамал қилиб туриш, ундаги қисмларимизни ҳолдан тойдиришни мўлжаллаган эдилар.

Гитлерчиларнинг нияти бу сафар ҳам пучга чиқди.

Бизнинг асосий зарба берган участкамиз Сапун тоғи — денгиз қирғоғи бўлди. Бир вақтнинг ўзида тўртинчи Украина фронти мустақил Приморская армияси ва Қора денгиз флоти қўшинлари томонидан шимол, шарқ ва жануби-шарқдан зарба берилди.

Минглаб тўплар ва юзлаб бомбардимончилар танклар ва пиёда қўшинларимизга йўл очиб бордилар. Тунг-кун жанг давом этди. Йўлни минадан тозалаб Сапун тоғига биринчи бўлиб солдат Яцуненко ёриб кирди ва Қизил байроқ қадади. Тоғнинг иккинчи участкасида Совет Иттифоқи Қаҳрамони старшина Дробясько байроқни кўтарди.

Қуруқликдаги қўшинлар шаҳарни Балаклаев, Бельбек ва Мекензиев тоғлари томонидан штурм қилдилар, флот денгизчилари бўлса денгизда зарбани кучайтирдилар, душман транспортларини, кемаларини, десант баржаларини чўктирдилар.

Одамлар ўлимдан чўчимадилар. Оғир ярадор бўлган солдат Афанасьев ўз гаврдиси билан душман дзоти амбразурасини тўсди ва полкдаги дўстларига йўл очиб берди.

Бундай жасоратлар жуда кўп бўлган.

1944 йилнинг 9 майи Севастополь озод қилинган кун бўлди. Бир йилдан сўнг 9 майда — Ғалаба куни келди. Севастополликлар учун бу икки сана ягона катта байрам ҳисобланади.

Шаҳарнинг шимолий томонидаги беш қиррали юлдуз ўрнатилган ҳайкал Шон-шараф деб аталади. Бунда халқнинг мислсиз жасорати ва унинг фарзандлари — СССР Қуролли Кучлари жангчиларининг мардлиги акс этган. Бу Севастополни мудофаа қилган ва уни озод этган совет кишиларига абадий шон-шараф тимсолидир. (АПН).

Севастополь жангларида Совет Иттифоқи Қаҳрамони, собиқ снайпер Людмила Михайловна Павличенко катта жасорат кўрсатди. У 300 дан ортиқ фашистни ўлимга маҳкум этди. Сиз суратда қаҳрамон аёлни Қора денгиз флоти денгизчилари орасида кўриб турибсиз.

А. Баженов фотоси. ТАСС фотохроникаси.

Телетайп ЛЕНТАСИДАН

◆ СССР Министрлар Совети радиоэшиттириш ва телевидение давлат комитетининг раиси М. А. Харламов бошлиқ совет делегацияси Югославия Социалистик Федератив Республикаси Иттифоқ инқироз вечесининг таклифига мувофиқ Белградга келди. Делегация радиоэшиттириш ва телевидение соҳасида ҳамкорлик қилиш юзасидан совет-югослав битимини тузиш тўғрисида музокаралар олиб боради.

◆ Иннала мамлакат халқлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида Руминия Халқ Республикаси билан Танганьика ва Занжибар бирлашган республикаси ҳукуматлари элчихоналар даражасида дипломатик муносабатлар ўрнатишга қарор қилишди.

◆ Лондонда Англия ҳукуматининг ваниллари билан Шимолий Родезия делегацияси ўртасида Марказий Африкадаги ана шу территория учун янги конституция қабул қилиш масаласи юзасидан музокаралар бошланди. Бош министр Кеннет Каунда шу йил 24 октябрда мамлакатга тўла мустақиллик бериш тўғрисидаги талабни кўтариб чиқди.

◆ Ғарбий Германиядаги «Хеншель» фирмаси раҳбар ходимларидан бири Г. Фридрихнинг ГФРда қамоққа олинганлигини ДПА агентлиги хабар қилди. Уни қамоққа олиш шу фирманинг америка танклари учун ишлаб чиқараётган запас қисмлари ва деталларни бундесверга сотиш соҳасидаги спекуляциясини маъмурларнинг тешиширишлари билан боғлангандир. Корхона эгалари ўз маҳсулотларини оширилган нархларда сотиб, давлатга талай зарар етказганлар.

◆ Англияда ҳокимиятнинг маҳаллий органларига — шаҳарларнинг муниципал кенгашларига, шунингдек шаҳар ва қишлоқ районлари кенгашларига сайловлар ўтказилмоқда. Компартия ҳокимиятнинг маҳаллий органлари сайловларида 800 га яқин ўз номзодини кўрсатди.

◆ АҚШ армиясининг транспорт самолёти Сайгондан 40 километр ғарби-жанубда парвоз қилиш вақти, да йиқилиб тушиб парчаланган. Самолёт ичидаги 15 киши, шу жумладан 9 американлик ҳалок бўлган.

◆ Ғарбий Германия аҳолисининг сони ўтган йили 57 миллион 865 минг кишига етган эди.

(ТАСС).

БИЛДИРИШ

8 май, жума куни кеч соат 6 да Бирлашган босмахона (Ленин хонаси)да шаҳар ишчи-мухбирлар университетининг навбатдаги машғулоти бўлади.

Реклама ВА Эълонлар

ТЕЛЕВИЗОР

8 МАЙДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00—**Ғалаба куни олдидан, Вася** (Константин Федин ҳикояси асосида телеинсценировка), 18.25—**Телевизион янгиликлар,** 18.45—**Социализм йўлидан** (Германия ва Чехословакиянинг гитлер фашизмидан озод қилинган куни), 19.05—**Агрохимия билимлари мактаби** (Ўрта Осиё ипакчилик илмий текшириш институтидан), 19.30—**Гўзаллик оламида** (ёшлар учун).

19,55—**Эшиттиришлар программаси.**

Рус тилида: 20.00 — **Адабий эшиттириш,** 20.40 — **Телевизион янгиликлар,** 21.00—**Спорт эшиттириши,** 21.20—**Суратли интервью** (ҳужжатли фильм), 21.40—**Реклама ва эълонлар,** 21.45—Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллиги олдидан. **Қутлаймиз сени, Ўзбекистон.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00—**Шаҳар чироқлари ёқилади** (бадиий фильм).

Ўзбек тилида: 19.35—**Ҳамиша бўлсин тинчлик** (адабий эшиттириш). 20.00—**Снайпер Чехов—ҳаёт** (телевизион очерк). 20.20—**Қўғирчоқлар тилга кирганда.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА—8/V да **Травиата,** 9/V да **Дон Жуан.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (қишки бинода)—8/V да **Алишер Навоий,** 9/V да **Қонли сароб.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (қишки бинода)—8/V да **Ҳожи Камримнинг бига саёҳати,** 9/V да яги спектакль **Зуҳранинг мантубларн.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА:

«Ҳинд малиқаси» шарпаси — НАВОИЙ номли. «КОСМОСОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Тиниб.тинчимас жиян — «ЎЗБЕКИСТОН», (кундуз ва кечқурун).

Жунгли —«ИСКРА» (кундуз ва кечқурун).

Катта фитиль —«ВАТАН» (кундуз ва кечқурун). «СПУТНИК» (жуфт соатларда). «ЕШ ГВАРДИЯ» (эрталаб соат 10 ва кундуз 12 да).

ЁЗГИ БИНОДА

(Сеанслар кеч соат 8 ярим ва 10 яримда):

Сунунат (1 ва 2-серия) — «ВАТАН».

Улимнинг номи — Энгельхен (1 ва 2-серия) —КАФАНОВ номли.

Истамбул хазиначисининг мероси —ТЕЛЬМАН номли.

Қўғирчоқлар кулади — 1 МАЙ номли.

Кора ниқобда —НАВОИЙ номли.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА

8, 9, 10 майда

Ўзбекистон ССР халқ артисти **КОМИЛЖОН ОТАНИЁЗОВ** раҳбарлиги ва иштирокида **ХОРАЗМ АНСАМБЛИНИНГ**

КОНЦЕРТЛАРИ

Концерт кеч соат 8 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

ҚИЗИЛ ТУҚИМАЧИ СТАНЦИЯСИНИНГ

2-вагон депоси

ПАССАЖИР ВАГОНЛАРИ УЧУН ПРОВОДНИКЛАР ТАЙЁРЛАЙДИГАН

2 ОЙЛИК КУРСГА

7.10-синф ҳажмида маълумоти бўлган эркак ва аёллар

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Мурожаат учун адрес: Қизил тўқимачи станцияси, 2-пассажир вагон депоси (25-автобусда борилади). Телефон 2-60-40, қўшимча телефон 53-25.

Максим Горький кўчаси, 239-уйда турувчи **Муаттар Алимовна Фозилованинг,** Полиграф кўчаси, Олма проезд, 1-тупик, 46-уйда турувчи Забихулла Убайдуллаевич Фозиловдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район халқ судида кўрилади.

Чилонзор массив, 8-б сектор, 24-уй, 8-квартирада турувчи **Людмила Яковлевна Бродскаянинг** Маннон Уйғур кўчаси, Гулбозор проезд, 2-тупик, 5-уйда турувчи Альберт Фёдорович Маликовдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Қоратош кўчаси, 99-уйда турувчи **Леонид Михайлович Волинецнинг** Буденний кўчаси, 42-уйда турувчи Эвелина Юльюсовна Волинецдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Ленин район халқ судида кўрилади.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентских промышленного и сельского областных комитетов КП Узбекистана, Ташкентского горкома КП Узбекистана, промышленного, сельского областных и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: редактор — 29004. Редактор ўринбосари — 25885. Масъул секретарь—34808. Идеология бўлими—31936. Саноат ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими—33786. Қурилиш ва партия ишлари бўлими—33786. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими—29040. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими—26232. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлими—28761. Ахборот ва спорт бўлими—33786. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими—34048. Эълонлар бўлими—28142. Коммутатор—30249 дан 30258 гача.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекисточи Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 05520. ИНДЕКС 64695. Нашр. № 1748.